Беш йиллиқни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 251 (4457).

28 ДЕКАБРЬ

СЕШАНБА

1971 йил

Баҳоси 3 тийин

Каримали Маматқулов Олмалиқ химия заводи ишга тушган пайтдан буён меҳнат қилмоқда. Аммофос цехининг илғор аппаратчиси кунлик топшириқларни 120—130 процентга етказиб адо этиб, коллектив ҳурматини қозонмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ПАРТИЯВИЙ ТАЛАБЧАНЛИК ВА ИШЧАНЛИК УЧУН

Коммунистик қурилишнинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган улуғвор программ вазифаларини муваффақиятли бажариш ҳар бир раҳбар партия, совет ва хўжалик ходими, барча кадрларимиздан жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига раҳбарлик савиясини янада оширишни, янгиликни ҳис қилиш ва унинг актив пропагандисти бўлишни, омма орасида ташкилотчилик, сиёсий ва тарбиявий ишлар савиясини тобора юксалтириб, коллективлар ва ходимларга нисбатан юксак партиявий талабчан бўлишни тақозо этади.

— Партия ходимлардаги янгиликни ҳис қилиш сингари фазилатни ҳамиша юксак қадрлаб келди, — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездига қилган ҳисобот докладида. Янгиликни ҳис қилиш — ривожланиш истиқболини кўриш, келгусига назар ташлаш, вужудга келаётган вазифаларни ҳал этишнинг энг тўғри йўлларини топиш демакдир. Ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда жадал ва чуқур ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда бу фазилат, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Раҳбар кадрларимиз фаолиятида кишиларни уюштириш ва тарбиялаш жуда муҳим ўрин эгаллайди. Раҳбар ҳатто яккабошчилик ҳуқуқларига эга бўлганида ҳам барибир у фақат буйруқнинг кучига ишониб иш кўролмайди. Шунинг учун ҳам партиямиз хўжалик ва тарбиявий ишнинг бир-бири билан мустаҳкам алоқада бўлиши зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқда. Партиямиз раҳбар ходимлардан улар қабул қиладиган иқтисодий ва маъмурий қарорларнинг тарбиявий оқибатлари ҳақида ҳамиша мулоҳаза юритишларини талаб қилмоқда.

Утган йиллар ва тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йили якунларига назар ташлар эканмиз, областимиз экономикаси ва халқ хўжалиги нақадар юксакликка кўтарилганлигини ёрқин кўрамиз. Ўтган давр ичида партия ташкилотларининг омма орасидаги ташкилотчилик, сиёсий раҳбар ва авангард сифатидаги, коммунистларнинг ўзлари ишлаб турган участкаларида меҳнатда, ижодда, ишлаб чиқаришда ва тарбиявий ишлар жараёнида намуна бўлишлари ва бу билан бошқаларни ҳам тарбиялаш фазилатлари бирмунча юксалганликларини фахр билан тилга олиш мумкин. Областимиз саноат ходимлари маҳсулотни реализация қилиш ва кўпчилик муҳим буюмларни ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Қанчадан-қанча объектлар ишга туширилди. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг дастлабки йилини зафарли якунладилар. Давлатга деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан олинган план ва социалистик мажбуриятлар ортиғи билан адо этилди. Она-Ватан пойтахт пахтакорларидан 390 минг тоннага яқин «оқ олтин» олди. Область хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ана шундай муваффақиятлар қўлга киритилди.

Район, шаҳар партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари партиявий ишларни ижодий тарзда олиб, бормоқдалар. Уларнинг обрў-эътибори ошиб бормоқда. Сиёсий-тарбиявий, партиявий-ташкилий ишларида янги шакл ва усуллар вужудга келмоқда. Область партия комитети партия ташкилотларининг партиявий ишларни юритишдаги тажрибаларини, хўжаликка раҳбарлик соҳасидаги яхши намуналарни оммалаштириб, кенг тарғиб этмоқда. Оққўрғон, Калинин, Юқори Чирчиқ ва бошқа район партия ташкилотлари ҳамда шаҳар партия комитетлари партиявий ишлар билан бир қаторда, хўжаликка раҳбарлик савиясини бирмунча яхшиладилар. Улар кадрларда ишчанлик, талабчанлик, топшириқлар соҳа учун юксак масъулият ҳиссини тарбиялаб бормоқдалар. Партиявий ва хўжалик ишлари соҳасидаги ҳар қандай янгилик, прогрессив усуллар бошқа хўжалик ва ташкилотларда ҳам кенг қўлланилади.

Турмуш кадрларга нисбатан талабни муттасил оширмоқда. Бизга юксак сиёсий онглилик билан яхши профессионал тайёргарликни мужассамлаштирган, экономика ва маданиятни ривожлантириш масалаларини омилкорлик билан ҳал этишга қобилиятли, бошқаришнинг замонавий методларини эгаллаган кишилар керак. Кадрлар интизомини ва масъулиятини ошириш — энг муҳим вазифалардан биридир. Бунда биз кўрқувга, қўпол маъмуриятчилик методларига асосланадиган интизомни назарда тутмаяпмиз. Бундай ҳоллар кишиларни ишончдан, ташаббусдан маҳрум қилади. Ўринсиз эҳтиёткорлик ва нопокликни келтириб чиқаради. Гап кишиларнинг юксак онги ва масъулиятига асосланган интизом ҳақида бормоқда, — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев.

Баъзи партия ташкилотлари ва хўжалик ходимлари фаолиятида бу ғоят муҳим ва ҳаётий масалаларга кўпинча эътибор қилинмайди. Улар замон талабларидан баъзан орқада қоладилар. Ташкилот ва коллектив ишини муваффақиятли олиб бориш учун янги ва илғор методлардан, ижобий ва ҳамма учун маъқул ташаббуслардан кенг фойдаланмайдилар. Партия талаби, давлат план ва топшириқлари, халқ манфаати ғоят муҳим ва юксак эканлигини, омманинг ва коллективнинг бутун эътиборини бу ишларга сафарбар этишни ҳаммавақт ҳам сезабермайдилар.

Илримиз якунланмоқда. Баъзи район, шаҳар саноат корхоналари, хўжалик ташкилотлари ва трестлар давлат планларини ҳалигача бажаргилари йўқ. Уларнинг кўрсаткичлари беш йиллик талаблари даражасидан пастда. Маҳсулот ишлаб чиқариш, янги объектларни ишга тушириш, хўжаликни барча соҳалар бўйича янги юксалишга эриштириш, илғор усулларни жорий этиш сингари вазифалар бутун коллектив ҳаётида ўзининг тўла ифодасини топаётгани йўқ. Тошкент шаҳри, Чирчиқ, Олмалиқ ва бошқа саноат районларида йиллик план ва топшириқларни бажармай, элюрт олдида уятга қолаётган корхоналар, коллективлар ва қурилиш трестларининг қолоқлик сабаблари ҳам ана шундадир. «Главташкентстрой» уй-жой қурилиши планини бажармади. Кўпгина объектлар ниҳоясига етказилган эмас. Областнинг шаҳар ва районларида уй-жой, маданий-маиший ва коммунал муассасалар қуриш учун ажратилган маблағлар тўла ўзлаштирилмаётир. Баъзи ташкилотлар ва районларда аҳвол янада ачинарли. Область партия комитети ва область ижроия комитети ўз йиғилишлари ва сессияларда бу масалаларни муҳокама қилиб, раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимлари эътиборини ишда ташаббус, талабчанлик кўрсатишга, кадрларнинг ўз участкаси учун жавобгарлик ҳиссини оширишга қаратди ва давлат планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш — уларнинг шарафли бурчи эканлигини яна бир марта уқтирди.

1971 йил улкан зафарлар билан якунланмоқда. Бу эса ишчилар, колхозчилар, интеллигенция, барча касб эгаларининг фидокорона меҳнати, партия, совет, хўжалик ташкилотлари олиб борган сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишларининг буюк самарасидир. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси, республика ва область Советининг сессияларн халқимиз, шу жумладан пойтахт области меҳнаткашлари олдига келгуси йилдаги улкан вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши мамлакатимиз куч-қудратини янада оширади, халқимиз ҳаётини бундан ҳам фаровон қилади.

Партия ташкилотларининг ишчанлик қобилиятларини, коммунистларнинг авангардлигини янада оширайлик. Ҳар бир раҳбар ходим ўз иши ва участкаси учун, партия ва ҳукумат директивалари ижроси учун қурашда шахсан жавобгар эканлигини тўла ҳис килсин. Кадрларга нисбатан талабчанликни оширайлик. Уларни юксак онглилик, партия ва давлат интизоми руҳида, янгиликларни ҳис қилиш, иқтиқоллари кўзлаб иш кўриш руҳида тарбиялайлик. Улар ижтимоий ҳаётий, сиёсий ва ишлаб чиқариш жараёнида омманинг ҳақиқий ташкилотчилари бўлсинлар. Бу — замон, талаби коммунистик қурилишнинг вазифалари талабидир.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Электростанцияларнинг ходимлари электр энергияси ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

1970 йилдагига нисбатан қариб 60 миллиард киловатт-соат электр энергияси кўп ишлаб чиқарилади.

●

Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати корхоналарининг коллективлари бензин, дизель ёқилғи, каучук, автопокришка, бутил ва изобутил спиртлар ва бир канча муҳим резина-техника буюмлари ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар.

Йил охирига қадар нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноатининг талай миқдорда турли ҳил маҳсулотн пландан ташқари ишлаб чиқарилади.

●

Автомобиль саноати ходимлари автомашиналар ишлаб чиқариш йиллик планини ва қўшимча топшириқни муддатидан олдин адо этдилар. Йил охиригача пландан ташқари қариб 19 минг автомобиль чиқарилади. Автомобилсозлар автомашиналар ишлаб чиқаришни 1970 йилдагига нисбатан 24 процент кўпайтириб, йилига бир миллионтадан кўпроқ автомашина ишлаб чиқариш маррасига чиқиб олдилар.

●

Гўшт ва сут саноати ходимлари гўшт ва қаймоғи олинмаган сут маҳсулотн ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

Йил охиригача пландан ташқари 500 минг тоннадан знёд гўшт ва 300 минг тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотн ишлаб чиқарилади.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

● ВОРОШИЛОВГРАД. 24 декабрда область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилганлар томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ф. Е. Шелест доклад қилди.

● МУРМАНСК. Область партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети қошидаги Давлат ҳавфсизлик комитетининг раиси Ю. В. Андропов доклад қилди.

● СМОЛЕНСК. Смоленск область партия ташкилоти активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларига бағишланди.

Мажлис аҳли томонидан қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев доклад қилди.

● САРАНСК. Бу ерда Мордовия АССР партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилганлар томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Халқ контроли комитетининг раиси Г. П. Воронов доклад қилди.

● ЗАПОРОЖЬЕ. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари Запорожье область партия активининг йиғилишида муҳокама қилинди.

Йиғилганлар томонидан қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Украина Министрлар Советининг раиси В. В. Шчербицкий доклад қилди.

● ВОЛОГДА. Бу ерда область партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Расулов доклад қилди.

Мажлисда қизғин кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Давлат ҳавфсизлик комитетининг раиси Ю. В. Андропов доклад қилди.

● ДУШАНБЕ. Бу ерда Тожикистон ССР партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифаларига бағишланди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Расулов актив йиғилишида доклад қилди.

Оржоникидзе райониданги «Коммунист» колхози теплица хўжалиги ходимлари шаҳар меҳнаткашларини қиш кунларида ҳам мўл сабзавот маҳсулоти билан таъминлашмоқда. Ҳозир теплицада помидор теришиш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Суратда: (чандан) звено бошлиғи Б. Ўрмонова ва колхозчи М. Расуловалар яшикларга помидор жойлашмоқда.

Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИДА

Андижон область ва шаҳар партия ташкилотлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС Марказий Комитети ноябрь пленумининг якунлари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Раҳимов доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида, КПСС Марказий Комитетининг ва Марказий Комитет Сиёсий Бюросининг сиёсий, амалий фаолиятини қизғин мақуллдилар.

* * *

Хоразм область партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь пленумининг якунлари муҳокама этилди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойбердиев доклад қилди.

Яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсати қизғин қўллаб-қувватланди.

Хоразм областининг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари ватан қудратини бундан бўён ҳам зардор меҳнат билан мустаҳкамлайверадилар, тўққизинчи беш йиллик планни муддатидан олдин бажаришга ҳаракат қилаверадилар, деб таъкидладилар.

* * *

Чуст районн партия активининг Чустда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов КПСС Марказий Комитети ноябрь пленумининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь пленумининг қарорларини қизғин маъқулладилар. Район коммунистлари, ишчилари, колхозчилари, барча меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажариш учун мусобақани янада кенг авж олдирамиз, дейишди.

* * *

Хўжайлида Хўжайли район партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети ноябрь пленумининг якунлари ва район партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, республика Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев доклад қилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қабул қилинган қарорда йиғилиш қатнашчилари районнинг барча коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқулладилар. тўққизинчи беш йиллик топширигини муддатидан олдин бажаришга тайёр эканликлларини айтдилар.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЯХОБ СУВИ БЕРИШ ВА ШУР ЮВИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 26 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи ступ районлар, иккинчи ступ — суғорилгани.

Бекобод	129,5
Оҳангарон	126,1
Оққўрғон	100
Янгийўл	87,7
Ўрқоникидзе	81,8
Калинин	79,4
Бўка	77,1
Бўстонлиқ	72,2
Урта Чирчиқ	62,1
Юқори Чирчиқ	46,9
Область бўйича	83,4
ШУР ЮВИШ	
Бўка	23,7
Бекобод	21,9
Область бўйича	18,9

КУБА ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВА ОБЛАСТИДА

Совет Иттифоқида дўстлик визити билан меҳмон бўлиб турган Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси ва секретариатининг аъзоси, Куба Республикасининг президенти Освальдо Дортикос Торрадо 26 декабрда Москва областида бўлди. У Москва областидаги биринчи от заводига борди.

Меҳмонлар уч от қўшилган чаналарга тушиб ўрмон бўйлаб сайр қилдилар.

Освальдо Дортикос Торрадо билан биргаликда СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари К. А. Халилов, СССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Г. Г. Петров, СССРнинг Куба республикасидаги элчиси Н. П. Толубов, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Р. Тарсия Пелаес ва бошқа расмий кишилар сайр қилдилар. (ТАСС).

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЛЕНИНГРАДДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг, Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев 25 декабрда Ленинградга келди.

КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов, меҳнаткашлар депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. А. Сизов, меҳнаткашлар депутатлари область совети ижроия комитетининг раиси А. Н. Шибалов, Ленин ордени Ленинград ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. Е. Шавров, КПСС Ленинград область ва шаҳар комитети бюро аъзолари, Ленинград район партия комитетларининг биринчи секретарлари, КПСС Ленинград область ва шаҳар комитетларининг, меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва область советларни ижроия комитетларининг масъул ходимлари, шаҳар жамоатчилигининг намояндалари аэропортда Ўртоқ Л. И. Брежневни кутиб олдилар.

* * *

ЛЕНИНГРАД, 26 декабрь. (ТАСС махсус мухбири Н. Колесов). Ленинграддаги М. В. Ломоносов номли чинни идишлар заводи яқинда ўзининг 225 йиллигини нишонлади. Бадиий чинни идишлар ва фаянс буюмлар ишлаб чиқарадиган бу завод Россияда энг биринчи ва Европада энг кекса корхонадир. Россиядаги чинни идишлар усталарининг анъаналарини давом эттираётган ва ривожлантираётган бу заводдаги рассомлар ва моҳир усталарнинг маҳсулоти чет элларда ҳам машҳурдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бугун донги кетган ана шу корхонада бўлди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, рассомлар КПСС Марказий Комитети Бош секретарини ғоят самимий кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев чинни идишлар ишлаб чиқаришнинг технология процесслари билан, коллективнинг беш йилликдаги планлари, корхонани ривожлантириш истиқболлари билан танишди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари завод цехларида ишчилар, рассомлар, мутахассислар билан самимий суҳбат қилинди ҳамда социалистик мусобақанинг уюштирилиши, меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқди.

Завод директори А. С. Соколов корхонанинг тарихи тўғрисида сўзлаб берди. У айтдики, завод бадиий чинни идишлар ишлаб чиқариш учун ихтисослаштирилаётган бўлса, ҳам, ўз олдига қўйилган муҳим вазифани — шу беш йилликда кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини муваффақиятли амалга оширмоқда. Планга мувофиқ корхона шу беш йилликда 62,5 миллион та буюм тайёрлаб бериши керак. Коллектив эса 60 миллионта буюм ишлаб чиқариш режасини тузиб қўйди. Заводда эритилган кварцдан маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, бир қатор техникавий янгиликлар жорий қилинди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев завод ишкил топган биринчи йилларданоқ чинни идиш ва фаянс буюмлар нусхалари қўйилган музейни, шунингдек янги маҳсулотлар виставкасини бориб кўрди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳурматли меҳмонлар дафтарига ўз таассуротни ёзиб қолдирди.

Леонид Ильич Брежнев Ленинград бўйлаб сайр қилди, янги қурилиш районларини бориб кўрди. Ленинградликлар шаҳар кўчалари ва майдонларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини самимий табрикладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев кечқурун С. М. Киров номли давлат академик опера ва балет театри спектаклида ҳозир бўлди.

ФАН ЮТУҚЛАРИ—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти учун 1971 йил сермаҳсул бўлди. Институтнинг бино, ероси ҳамда гидротехник иншоотларнинг зилзилага бардошлигини текшириш, шунингдек, аэрогидродинамика, пахта теришмашиналари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган лабораторияларда халқ хўжалиги учун муҳим бўлган ишлар амалга оширилди.

Чунончи, техника фанлари доктори Т. Рашидов раҳбарлик қилаётган лабораториядаги бир гуруҳ илмий ходимлар ишлаб чиққан ероснн қувурларининг сейсмик мустаҳкамлиги назарияси лойиҳачилар ишига кўл келди. Бу назарияга асосланиб, «Ташгиждстрой» лойиҳалаш институти билан ҳамкорликда босимсиз коллектор тунгели қобиғининг сейсмик таъсирларга бардошлиги ҳисоблаб чиқилди. Натижада зилзилалар бўлиб турадиган районларда бир километр коллектордан 80 минг сўм иқтисод қилиш имкони туғилди. Хусусан, бу назариянинг Салор ва Қорақамишдаги диаметри 2500 миллиметр бўлган коллекторлар қурилишида кўлланилиши 278 минг сўм маблағ тежалишига олиб келди.

Тўқиз қаватли турар-жой биноларининг тебранма ҳаракатларини текшириш бўйича олиб борилган илмий иш натижасида эса бу бинолар конструкцияси ва планировкасини такомиллаштириш бўйича таклиф киритилди. Бу таклиф Ўзбекистон ССР Госстройи томонидан маъқулланди ва Тошкент зонал илмий текшириш экспериментал лойиҳалаш институтига (ТашЗНИИЭП) янги бинолар лойиҳасини тузиб чиқишда фойдаланиш учун топширилди.

Гидродинамика лабораториясининг мудири, техника фанлари доктори Ж. Файзуллаев, катта илмий ходим, физика-математика фанлари кандидати Қ. Латипов ва кичик илмий ходим Б. Мусабоевлар аралашма ва суюқликларнинг реологик характеристикасини ўлчовчи янги асбоб яратишди. Бу ўлчов асбоби керамика заводида синовдан ўтказилди. Мазкур асбобнинг кўлланилиши натижасида маҳсулот сифатини назорат қилишга кетадиган ўлчаш вақти 8—10 марта тезлашади ва брак 5—8 процентга камаяди. Мазкур янгиликнинг жорий қилинишидан керамика заводининг ўзида йилига 1800—2000 сўм маблағ тежаш мумкин. Ушбу лабораторияда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида дарёларда сув сарфини ҳисоблашнинг янги методи ишлаб чиқилди. Бунда ишлатиладиган ўлчов асбоби (эхолота) оқимнинг ҳақиқий кесими юзини ўлчаш ишларини тезлаштиради.

Пахта — саноат учун муҳим ҳомашёдир. Уни етиштириш ва қулай агротехник муддатларда йиғиб олишни тўла механизациялаш пахтакорлар олдида турган муҳим проблемалардан ҳисобланади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигимиз назарий жиҳатдан тўла асосланган, пишиқ, серунум, арзон, ишлатиш учун қулай бўлган машиналар билан таъминланиши зарур. Ҳозир институтнинг учта лабораториясида пахта териш машиналарининг назарий асосларини ишлаб чиқиш устида самарали тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, техника фанлари кандидати Ш. Бахтиёров бошчилик қилаётган лаборатория илмий ходимлари Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий текшириш институти билан ҳамкорликда «14хВУ—2,4» пахта териш машинасининг иш унумини ошириш, гўза тупларининг пастки қисмида жойлашган пахталарни териб олиш учун иш аппаратларини погонали тарзда жойлаштиришни таклиф қилдилар. Бу йил машина Ўрта Осиё синов станциясида кенг синаб кўрилди, келаси йили давлат синовидан ўтказишга тавсия қилинди. Бу ишлаб чиқаришга тўла жорий қилинса, йилига бир неча миллион сўм тежаш имкони туғилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори Х. Усмонхўжаев бошчилигидаги бир группа ёш олимлар эса пахта териш агрегатларининг юраги бўлган шпинделларнинг конструкциясини ўзгартириш устида иш олиб бормоқдалар. Пахта териш жараёнида ҳозирги вақтда шпиндель тишлари ораси тез-тез ифлосланиб, тупларда анчагина пахта терилмай қолади ёки ерга тўкилади. Натижада машинани тўхтатиб қўйиб, шпинделларни вақти-вақти билан ювиб туришга тўғри келади. Бу эса вақт олади.

Институт ходимлари мазкур муаммони ҳал қилиш борасида ўз-ўзидан тозаланадиган, винт чизиғи бўйлаб жойлашган тишга эга бўлган шпиндель тайёрлашни таклиф қилиб, уни дала шароитида синовдан ўтказдилар. Тажриба муҳим ижобий натижа берди.

Институтда олиб борилаётган бу каби илмий ишларнинг натижалари саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспортдаги турли корхона ва бошқармаларда қизиқиш уйғотди. Улар институтга халқ хўжалигининг аниқ бир участкасида меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган илмий ишларни бажариб беришни таклиф қилишмоқда. Ҳозир институт турли ташкилотлар билан 145 минг сўмлик шартномалар тузган.

Халқ хўжалиги учун зарур масалаларни ҳал қилиб бериш жараёнида институт кадрларининг илмий даражалари ҳам ортиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида институт ходимларидан уч киши докторлик, 12 киши кандидатлик диссертацияларини ёқлади.

XXIV съезд қарорларида кўрсатиб ўтилганидек, институт коллективи ўз илмий ишларини халқ хўжалигининг конкрет масалалари билан боғлаб олиб бормоқда.

Эркин ЭРГАШЕВ,
Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДАН ХАТЛАР

ПАРТГРУППА ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинатининг 1-ишлаб чиқариш участкасида саккиз коммунист меҳнат қилмоқда. Улар бирлашган партия группасига моҳир қуювчи Раис Галиев раҳбар этиб тайинланган. Группа илғор ишчилар ва комсомолларга таяниб, техникани тараққий эттиришда илғор иш усулларидан унумли фойдаланмоқда.

Бундан бир неча йил муқаддам синов тариқасида участкада ОКБ—270 типидаги вакуумли методик печь ўрнатилган эди. Бу печь марказий шаҳарлардаги корхоналардан келтирилиб, шу ерда синаб кўрилмоқчи эди. Қуювчилар янги техникани зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Коммунистлар аста-секин печда пўлат қуйишни ўргана бошлади. Янги печь илгариги печлардан анча унумли чиқиб қолди. Аммо, имкониятлари яна ҳам катта эди. Коммунистлар секин-аста печни янада такомиллаштириш йўлларини ўйлай бошлашди. Туғилган фикрлар жамланиб, корхона мутахассислари эътиборига ҳавола қилинди.

Дастлабки йилларда ҳар сменада битта печь билан икки киши овора бўларди. Маҳсулот тайёрлаш пайтида қўл меҳнати анча кўп сарф бўларди. Илғор қуювчилардан Владимир Литвинов ва Василий Агапов ўртоқлар қўл меҳнатини тўла механизациялашни таклиф қилишди. Партия группаси бу таклифни қизғин маъқуллади, ва уни жорий этиш тадбирларини кўрди. Орадан кўп ўтмай, махсус мослама тайёрланиб, хом ашёни ортиш ва туширишишлари тўла механизациялашди. Печларга хизмат қилувчи кишилар сони уч кишига қисқарди. Улар ҳозир қўшни участкаларда бошқа юмушлар билан банд бўлмоқдалар.

Новаторлар яна бир муҳим таклифни ўртага ташладилар. Улар печлардан узоқ вақт ремонтсиз фойдаланиш имконини берувчи йўлни топдилар. Бу тадбир билан ҳозир печларнинг хизмат муддати уч-тўрт марта узайган. Пировардида маҳсулот ишлаб чиқариш тобора кўпайди.

Ҳар бир саноат қурилмасига қанчалик яхши муносабатда бўлиса, унинг хизмат муддати шунчалик узаяверади. Сўнгги пайтда участка коллективи коммунистлар раҳбарлигида агрегатлардан фойдаланиш муддатини узайтириш билан бирга жорий ремонтларни ҳам бемалол ўзи бажаряпти. В. Литвинов бошлиқ бригада аъзолари ҳам ремонт ишларини бажаряпти, ҳам металл қуйяпти.

Йил бошида 1-цех партия ташкилотининг очиқ йиғилиши бўлиб ўтганда коммунистлар меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи яна бир қатор таклифларни ўртага ташладилар. Барча участка, бригада ва смена бошлиқларини ишлаб чиқариш резервларидан кўпроқ фойдаланиш ва шу йўл билан самарадорликни янада ошириш учун мусобақани кенг қулоч ёйдиришга даъват этдилар. Йиғилишдан сўнг бу ишга биринчи бўлиб шу цех коллективининг ўзи киришди. Цех бошлиғининг ўринбосари Ҳамид Бадриддинов раҳбарлигида резервларни қидириб топиш юзасидан тушаётган таклифларни ўрганувчи махсус комиссия тузилди. Партия группаси эса йиғилиш қарорини оммага яна ҳам кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилди.

Орадан кўп ўтмай, ишчилардан дастлабки таклифлар туша бошлади. Партгруппа аъзоси Иван Муравский чиқиндига чиқиб кетаётган молибден қолдиқларидан қайта фойдаланиш йўлини топди. Мутахассислар ўйлаб қарашса, бу таклифни амалга ошириш билан йил давомида 12 минг сўмлик фойда кўриш мумкин экан. Шундан кейин яна бир қатор таклифлар амалга оширилди. Пировардида цехда меҳнат унумдорлиги ошиб, маҳсулот тайёрлаш кўпайди.

Партгруппа аъзолари яқинда бўлиб ўтган ўз йиғилишларида яна бир муҳим масалани муҳокама қилдилар. Улар бутун чоралар билан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар. Ўша йиғилишда коммунистнинг шахсий масъулияти ҳақида кўп гап бўлди. Ишда илғор кишиларнинг исмлари ҳурмат билан тилга олинди. Бракка йўл қўяётган ишчилар эса кескин танқид қилинди.

Йиғилиш қабул қилган қарорнинг ижроси устида коммунистларнинг ўзлари бир ёқадан бош чиқариб қайғуришди. Шу боисдан бўлса керак, сўнгги икки ой давомида участкашида биронта ҳам бракка йўл қўйилгани йўқ. Ҳозирги кунда ҳамма бир жон-бир тан бўлиб йиллик топшириқни муддатидан олдин адо этиш учун кўрашмоқда. Шунисн қувончлики, бошқа цехлардаги партия группалари ҳам сўнгги йиллардаўз активликларини яна ҳам ошириб бормоқдалар. Коммунистлар ҳар соҳада авангард бўлиб, партиясиз ва комсомолларни олга томон бошламоқдалар. Активлик ва жанговарлик туфайли комбинатда давлат планлари доимо ортиғи билан адо этиляпти.

В. ИРКУТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ШОҲИДА МУҲАММАДАМИНОВАнинг Тошкент модалар уйига ишга келганига уч йил бўлди, ҳолос. Тиришқоқ, изланувчан қиз ўтган вақт ичида тикувчилик касбини пухта ўзлаштириб олди. Ҳозир унинг қўлидан чиқаётган ҳар бир кийим позик дидли ҳамшаҳарларимизга маъқул тушмоқда.

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.

КАДРЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

Бизда ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. КПСС XXIV съезди қарорларида ҳам кадрлар малакаси ва масъулиятини ошириш нақадар муҳим вазифа эканлиги алоҳида уқтирилди. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг II пленумида таъкидланганидек, бошланғич партия ташкилотлари коммунист кадрларни алоҳида меҳр ва муҳаббат билан тарбиялашга, уларнинг авангардлик ролини оширишга, топширилган вазифа учун масъулиятни чуқур ҳис қилиш руҳини сингдиришга даъват этилгандирлар.

Ангрен кўмир разрези коммунистлари шу муносабат билан ўз йиғилишларининг бирида «ишлаб чиқаришда коммунистнинг ўрни қандай бўлиши керак?» деган масалани муҳокама қилдилар.

Разрез партия комитети ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини тоббора такомиллаштириб бориб, сўнгги йилларда қатор муваффақиятларни қўлга киритди. Қўшимча қувватлар ишга туширилди, разрезнинг шимолий қаноти томон бошланган қурилиш ишлари давом эттирилди. Кўпгина бригада ва сменалар ўз зиммаларидаги топшириқни ой сайин ортиғи билан адо этиб келмоқдалар. Бу қувончли ҳол, албатта. Лекин, яна шундай кишилар ҳам борки, улар техникадан унумли фойдаланишда ва мавжуд имкониятларни ишга солишда бепарволик қилмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари ўз вақтида бундай кишиларга нисбатан тегишли чора кўрмаяпти. Ўтган ярим йил мобайнида айрим экипаж аъзоларининг интизомсизлиги билан экскаваторлар 458 соат бекиб турди. Кон устини очиш ишларида қатнашаётган экскаваторларнинг 1624 соат вақти беҳуда ўтди. Конвейерларнинг носозлиги туфайли биринчи ва иккинчи участкаларда улар 1104 соат ишламай турди. Мана шу фактларнинг ўзи ҳам кадрларга нисбатан талабчанликнинг сусайиб кетганлигини кўрсатиб турибди.

Коллективларароб техника тараққиёти учун бошланган мусобақа ҳам кенг оммалашмаяпти. Иш вақти ва ускуналардан унумли фойдаланиш тўғрисида кам бош қотирилмоқда. Технологик жараёнларнинг тез-тез бузилиши натижасида катта зарар кўрилмоқда. Разрез партия комитети бу масалаларга камроқ эътибор билан қараяпти.

Шуниси ачинарлики, кўп ҳолларда қазиб олинаётган кўмир сифатининг бузилаётганлиги оқибатида маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ой сайин камаймоқда. Шу йилнинг ўтган ярим йили мобайнида маҳсулотни умумий реализация қилиш миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 минг сўмга камайди. Маҳсулот сифатини яхшилаш ва реализация қилинаётган маҳсулот ҳажмини ошириш масаласи разрез партия ташкилотини бирон марта ҳам қизиқтирмади.

Бу нуқсонларнинг ҳаммаси кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишидаги баъзи камчиликлардан келиб чиқмоқда. Разрезда техника ўқуви ва ходимларнинг малака ошириш плани ишлаб чиқилган. Бу масалалар партком бюросида вақти-вақти билан муҳокама қилиниб турилибди. Қабул қилинган қарорлар папкаларга тикиб қўйилган. Лекин, бу қарорларнинг ижроси устида, техника ўқувининг самарадорлиги тўғрисида дурустгина қайғурилмаяпти.

Эндиликда асосий эътибор ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва меҳнатни илмий асосда ташкил этишга қаратилиши лозим. Ҳозир кондаги кўпгина бульдозерлар, кранлар, йўл қуриш ишларида кўлланилаётган механизмлар ҳар жиҳатдан эскирди. Уларнинг кўплари бир кун ишласа, бир ҳафталаб ремонтда туради. Шу боисдан ҳам механизмлар унуми паст бўлмоқда. Разрез партия ташкилоти мана бу масалага ҳам эътиборни қаратмоги лозим. «Средазуголь» комбинати ўз навбатида кўмир разрезига яқиндан ёрдам бериши зарур. Мана шундагина тўқиз йиллик бесш йилликда зиммага олинган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконияти яратилади.

Янги беш йилликда кўмир разрезида меҳнат унумдорлиги камида 35 процент ошиши мўлжалланган. Ўз-ўзидан равшанки, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ёқилги қазиб олишнинг ҳам кўпайишига олиб келади. Бу улкан вазифаларни бажармоқ учун ички имкониятларни тўла ишга солиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиб, ҳар бир механизм ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш лозим бўлади.

В. ЎЛМАСБОЕВ,
Ангрен шаҳри.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ СЕМИНАРЛАРИ

Республикада бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг тармоқлар бўйича семинарлари ўтказилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ ўтказилаётган бу семинарлар учун илғор корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа муассасалар, ўқув юртлари база қилиб олинган. Семинарлардан кузатилган мақсад партия қўйи бўғинлари орттирган тажрибани умумлаштиришдан, сиёсий ва ташкилий фаолиятни яхшилашда, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишда тингловчиларга конкрет ёрдам беришдан иборат.

Семинар қатнашчилари ҳузурида министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, олимлар, раҳбар партия ва совет ходимлари лекция ва докладлар билан чиқмоқдалар.

Тошкентдаги семинарларда енгил саноат ва маҳаллий саноат, транспорт ва алоқа партия ташкилотларининг раҳбарлари ўқишни тамомладилар. Социалистик мусобақага раҳбарлик, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш учун кураш, кадрларнинг иқтисодий ўқиши тажрибаси учрашув қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. (ЎзТАГ).

СИФАТСИЗ ИШ— БОШГА ТАШВИШ

Пойтахтимизнинг гўзал шаҳарга айлантириш иштиёқида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Тошкент бинокорлари «тўқиз»инчи беш йилликнинг дастлабки йили планини муваффақиятли бажариш учун астойдил курашмоқдалар. Улар ўтган ўн ой ичида ҳамшаҳарларимизга 476 минг квадрат метр турар-жой қуриб бердилар. Бу уйларда ўн ярим мингдан ортиқ оила ҳовли тўйлари ўтказди.

Мактаблар қурилишида, айниқса, қувонарли ютуқлар қўлга киритилди. Шу йил сентябрь бўсағасида бу соҳа бўйича планнинг эмас, балки социалистик мажбурият ҳам ортиғи билан адо этилди. Ўқув йили бошланғич куни янги мактаблар 9 минг ўқувчини ўз бағрига олди.

Бундан ташқари, жаъми 3640 ўринли 13 та мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 571 ўринли касалхоналар, 200 киши қатнаб даволанадиган поликлиника ва бошқа кўплаб маданий-маиший муассаса бинолари, қатор саноат объектлари қуриб битказилди. Мкрорайонларни ободонлаштириш, уларга бориладиган йўллар ва инженерлик тармоқларини қуриш ишлари ҳам кенг кўламда олиб борилди.

Бироқ, аҳвол яхшироқ анализ қилинадиган бўлса, бу ютуқлар соясида кўплаб нуқсонлар мавжудлигини кўрамиз. Бинони қуриб битказиш, уни пардоздан чиқариш, дарахт кўчатини қуруқ ерга ўтказиш, деган сўз. Бино битгандан сўнг уни фойдаланишга топширишдан олдин сув, газ, канализация, иситиш тармоқлари билан таъминлаш, телефон ўтказиш каби қатор ишлар борки, бусиз бинони комплекс тарзда сифатли қилиб фойдаланишга топшириш мумкин эмас.

Кейинги вақтларда «Главташкентстрой» бинокорлари томонидан қурилаётган турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, хатто яхдат турар-жой микрорайонларини пухта инженерлик тайёргарлиги бўлмаган ҳолда фойдаланишга топширишга одатланиш ҳоллари рўй бермоқда. Газ, сув, канализация, айниқса, иситиш тармоқлари билан таъминлашда жиддий пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Бу ишлар бажарилса ҳам «қўлдан кетгунча» қабилида иш тутилганлиги учун қурувчилар кетиши билан сифатсиз бажарилган ишнинг чуви чиқиб қоляпти. Шимоли-Шарқ, Қорақамиш каби микрорайонларда фойдаланишга топширилган бинолар шундай камчилик ва нуқсонларга эга.

Мисолларга мурожаат этамиз. «Главташкентстрой»га қарашли 4-қурилиш тресті Шимоли-Шарқ 2-микрорайонидаги 1967 йили қурилган бинолар атрофида ҳамда кварталлараро йўллар, канализация, кўчаларни ёритиш ва бошқа ободонлаштириш ишларини ҳануз гача чўзиб келмоқда. Бу эса микрорайонда яшовчи аҳолининг ҳақли шикоятларига сабаб бўляпти. «Жилстрой» трести 2-«Қорақамиш» турар-жой массивидаги 1, 3, 4-турар-жой микрорайонлари 1968 йилдаёқ қурилиш бошлаб юборганди, Аммо ҳанузгача бу ерларда насос станцияси, иссиклик трассаси, йўл-ирригация, ёритиш ва ободонлаштириш ишлари тугатилгани йўқ. Бу ишлар ўлда-жўлда, бўлиб ётганлиги учун ҳам давлат қабул комиссияси ойлаб овора бўлиб юрибди. Чунки, ҳар гал пудратчи «жилстрой» трести раҳбарлари биноларни фойдаланишга обдон тахт қилмай туриб, комиссия чакиради. 3, 4, 6-умумқурилиш трестлари ҳамда «жилстрой» трести қатор йиллардан бери объектларни фойдаланишга топшириш планларини бардош бераётган экан, бу, аввало, шошма-шошарлик, сифатсиз ишлаш оқибатидир.

«Главташкентстрой»га қарашли кўпгина бош пудратчи трестлар янги микрорайонлар қурилишини мукаммал лойиҳага эга бўлмай туриб бошлаб юборадилар. Ишнинг чўзилиб кетишига ана шу ҳам сабаб бўлмоқда. 159-қурилиш трести (бошқарувчиси Е. Кириенко) «Шимол» турар-жой массивидаги Б-2, В-4 микрорайонларни қурилишини ташкилий ишлар ҳамда иш олиб бориш лойиҳалари бўлмагани ҳолда бошлаб юборди. Бунинг натижасида қурилиш бригадалари квартал орасида ўтказилиши лозим бўлган коммуникацияларни қурмай туриб, бинони монтаж қилишга киришиб кетди. Энди бинонинг асосий корпуслари қад кўтариб бўлгач, кўп ишларни қайта бажаришга тўғри келади.

«Главташкентстрой»га қарашли «Таштрансспецстрой» трести (бошқарувчиси А. Усмонов) шаҳримизнинг кўп микрорайонларида қурилаётган биноларга телефон, канализация, кварталлараро водопровод қурувларини ўтказиш ишларини пайсалга солиб, келмоқда.

Ҳаммамизга маълум: бутун республикамиз бўйлаб ҳозир кўчат ўтказиш ойлиги давом этмоқда. Аммо турар-жой микрорайонларини ободонлаштириш ҳамда ариқлар ўтказиш ишлари ўлда-жўлда бўлганлиги учун кузда ўтказилаётган минглаб кўчатларни суғориш проблема бўлиб келяпти.

КПСС XXIV съезди қарорларида турар-жой микрорайонларини комплекс тарзда қуриш, уларни аҳоли яшаши учун максимал даражада қулайлаштириш масалаларига эътибор берилди. «Главташкентстрой» қабул қилган қатор қарорларда бу масалага бир неча бор тўхталиб ўтилди. Қолаберса, «Главташкентстрой»нинг турар-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича беш йиллик биринчи йили учун белгиланган плануларининг бажарилмаслигига юқорида санаб ўтилган қурилиш ташкилотлари айёлдирлар.

Сифатсиз иш—бошга ташвиш, дейди халқимиз. Сифатсиз бажарилган ишлар ҳамшаҳарларимизнинг асабларига тегаётгани ҳеч кимга сир эмас. Уй-жойларни сифатсиз қуриш практикасига барҳол барҳам бериш, бинокорлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларининг қурилиш сифатига нисбатан масъулиятини ошириш лозим.

Ш. УСМОНОВ,
инженер.

«ЎЗГОСПРОЕКТ» лойиҳалаш институтида Еқутхонни каттадан-кичик ҳурмат қилади. Ёш инженер бундай эътиборга ўзининг тиришқоқлиги, тиниб-тинчимаслиги, ширин муомиласи билан эришмоқда. Еқутхон Шоусмонованинг эзгу мақсади — меҳнаткашларни чиройли ва мухташам биноларда истиқомат қилишларини кўришдир.

И. ШОИНОҒОМОВ фотоси.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

МУСОБАҚА ВА СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ

Социалистик мусобақанинг қудратли кучи билан «Ленинобод» колхози коллективи бу йил ажойиб ютуқларни қўлга киритди. Пахтакорлар ички имкониятларни тўла ишга солиб, гектар бошига ҳосилдорликни анча оширдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Пўлат Тошхўжаев бошлиқ бригада аъзолари районда биринчи бўлиб 40 центнерчилар ҳаракатини бошлаб берган эдилар. Ўтган йили ташаббускорлар гектар бошига 41 центнердан ҳосил кўтардилар. Бу йил эса ҳосилдорликни 42 центнерга етказдилар. Ялпи ҳосилнинг 90 процента машиналар билан териб олинди.

Колхоз партия ташкилоти илғорлар тажрибасини хўжалик бригадалари бўйлаб кенг оммалаштирмоқда. Пировардида барча бригадалар ўз зиммаларидаги мажбуриятни шараф билан адо этиб, давлатга пландан ташқари 1000 тоннадан кўпроқ пахта сотдилар. Ҳозир сиёсий ахборотчилар ўз суҳбатларида мана шу илғорлар тажрибасини алоҳида тарғиб қилмоқдалар.

Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилиш яхши йўлга қўйилган. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан кейин сиёсий ахборотчилар фаолияти яна ҳам жонланиб кетди. Ш. Гадойбоев, Н. Абдуазизов, В. Бакулин каби сиёсий ахборотчилар бу тема юзасидан бир неча бор суҳбатлар ўтказдилар, коллектив эътиборини келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар.

Х. АҲМЕДОВ,
Оққўрғон райони.

ОММА ОРАСИДА

Жданов номли колхоз коммунистлари партия топшириғи билан турли жамоатчилик вазифаларини бажармоқдалар. 50 киши сиёсий ташкилотчи қилиб тайинланган. Буларнинг фаолиятига партком секретари И. Абдуллаев раҳбарлик қилмоқда.

Сиёсий ташкилотчиларнинг ҳар бирига ўнтадан хонадон бириктириб қўйилган. Улар ишдан кейин омма орасида бўлиб партия ва ҳукуматимизнинг ленинча ички ва ташқи сиёсати, халқаро аҳвол юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар. Колхозчилар Т. Абдумусаев, Т. Бектурғонова, Э. Иброҳимов каби сиёсий ташкилотчилар фаолиятидан беҳад мамнундирлар.

Колхоз партия комитети сиёсий ташкилотчилар ишини янада жонлантириш мақсадида улар ҳисоботини тез-тез тинглаб боряпти. Яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида сиёсий ташкилотчилардан Т. Абдумусаев билан Ў. Қулбоев ўртоқлар ҳисоб беришди. Йиғилиш аҳли жамоатчилар фаолиятидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаш билан бирга эътибордан четда қолаётган вазифаларни ҳам кўрсатиб ўтишди. Вақтивақти билан бўлиб турган семинарларда сиёсий ташкилотчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан савол-жавоблар ва лекциялар уюштирилмоқда. Лекция ва суҳбатларни ўтказишга партия ва совет ходимлари жалб этилмоқда.

У. НИЕЗОВ,
Бўстонлиқ райони.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРРАЛАРИ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ СЕССИЯСИДАН

Илгари хабар берилганидек, яқинда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планлари ва 1972 йил плани лойиҳалари муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан доклад қилган Тошкент область ижроия комитетининг раиси С. А. Асомов ва музокарада сўзга чиққан депутатлар, шуни қайд қилдиларки, область халқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини қизитиб, беш йиллиннинг дастлабки марраларини эгалладилар.

Областимиздаги саноат корхоналари 11 ойлик саноат маҳсулотлари реализация қилиш давлат планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари 37,3 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот етказиб берди. Шу муддат ичида прокат, электр энергия, кўмир минерал ўғит, пойафзал, сут маҳсулотлари мўлжалланганидан бирмунча кўп ишлаб чиқарилди.

Халқ хўжалиги планларининг муваффақият билан бажариш саноат корхоналаримизнинг планлаштириш ва иқтисодий стимулаштиришнинг янги системасига ўтказиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш имконини берди. Кўпгина корхоналарда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш яхши ўзлаштириб олинди. Янги илғор технология ҳамда ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш тез суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Беш йилликнинг дастлабки йилида областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам фидокорона меҳнат қилиб, мисли кўрилмаган ажойиб натижаларни қўлга киритишди. Аҳдига вафодор пахтакорлар бу йил давлатга 388,6 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Ана шу улкан хирмоннинг 231 минг тоннаси машина бункерларидан тўкилди. Шунингдек, давлатга дон, шоли, каноп, сабзавот, полиз экинлари ҳамда пилла сотиш юзасидан белгиланган планлар ҳам ошириб бажарилди. Чорвачилик бўйича олинган мажбурият ҳам ортиги билан адо этилди.

Областимизда капитал қурилиш ишлари кенг қулоч ёйдирилди. Ана шу йиллар ичида Чорвоқ ГЭСининг янги қуввати, Олмалиқ тог-металлургия комбинати, маиший хизмат кўрсатиш заводи, Қорасув пахта тозалаш заводи, Чиноздаги тош-шагал карьерлари қуриб, ишга туширилди. 253,3 минг квадрат метр уй-жой майдони, 11732 ўринли мактаблар, 1580 ўринли болалар боғча ва яслилари ҳамда 170 койкали даволаш муассасалари фойдаланишга топширилди.

Область меҳнаткашлари беш йиллик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ва улкан зафарларни қўлга киритиш учун катта ва масъулиятли ишларни амалга оширишлари лозим. Ўтган йилларда бўлганидек, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида оғир саноатимизнинг етакчи тармоғи бўлган қора металлургия, машинасозлик, химия, электроэнергия ишлаб чиқаришга катта эътибор берилади. Ана шу мақсадда яқин йиллар ичида Чорвоқ ГЭСининг сўнгги агрегатини фойдаланишга топшириш мўлжалланади. Бу агрегат ишга туширилиши натижасида ГЭС йилига 600 минг киловатт соатлик қувватга эга бўлади.

Шу йиллар ичида Ўзбекистон металлургия заводини қайта реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилади. Ана шу заводнинг ўзида электр пўлат қуюв цехи ва идишларни сирлаш цехини ишга тушириш кўзда тутилади. Олмалиқ тог-металлургия комбинатининг қуввати мис-бойитиш конини фойдаланишга топшириш ҳисобига анча оширилади. Шунингдек, мис бойитиш фабрикаси қайта реконструкция қилинади. Бундан ташқари, тўртта ҳалқа комплекс равишда гўшт етиштирадиган ва тўртта паррандачилик фабрикаси қурилиши ҳам кўзда тутилмоқда.

Беш йилликка мўлжалланган планда областимиз меҳнаткашларининг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш билан боғлиқ бўлган социал қурилиш ишларига кенг ўрин берилади. 1975 йилларда фақат давлат капитал маблағи ҳисобига 648 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилади.

Халқ маорифи иши янада ривожлантирилади. Областдаги умумий таълим мактаблари 50 тага оширилади. Куни узайтирилган группалардаги ўқувчиларнинг сони 22 процентга кўпайтирилади.

Медицина муассасалари тармоқлари ҳам анча кенгайтирилади. Беш йилликда касалхоналардаги ўринлар сони 1700 тага оширилади. Бешта янги аптека очилади. Янги кинотеатрлар, клублар ва кутубхоналар фойдаланишга топширилади.

Беш йиллик охирига бориб, давлат ва кооператив савдоси товар обороти 54,2 процентга оширилади. Умумий овқатланиш корхоналарида эса 49,7 процентга кўпайтирилади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳам бирмунча яхши йўлга қўйилади. Область шаҳарларида аҳоли жон бошига кўрсатиладиган маиший-хизмат даражаси 1,6 баравар, қишлоқ жойларда эса 2,5 баравар кўпайтирилади. Шунингдек жойларда коммунал хўжалик ишлари ҳам анча ривожлантирилади.

Область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллиннка мўлжалланган ва 1972 йил планларини муҳокама қилишда сўзга чиққан депутатлардан Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Аббосов, Ўрта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхоз аъзоси К. Пейсенова, Янгийўл шаҳар ижроия комитетининг раиси З. Ф. Эрназаров, «Средазуголь» комбинати кўмир разрезининг экскаватор машинисти Х. А. Алиқулов, Чирчиқдаги 24-ўрта мактабнинг илмий мудири Л. Я. Журавлева, 1-«Пискент» совхозининг директори О. М. Мирзаев, Олмалиқ шаҳар юқумли касалликлар касалхонасининг бош врачи И. Ш. Тўхтаева, область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бош инженери П. Б. Иванов ва область маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи С. Ш. Муталов ўртоқлар ўз коллективларининг меҳнатда эришган ютуқлари ҳақида гапириш билан бирга тўққизинчи беш йиллиннинг сўнгги йиллари планларини ва режаларини амалга ошириш юзасидан олдиларида турган улкан вазифалар ҳақида тўхталиб ўтишди. Шу билан бирга улар баъзи корхона ва муассасаларнинг иш фаолиятидаги йўл қўйилган нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтишди.

Сессияда область халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллиннка мўлжалланган ва 1972 йил плани тасдиқланди.

Шунингдек сессияда областнинг 1972 йилга мўлжалланган маҳаллий бюджети ҳам муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан область молия бўлими мудирининг ўринбосари Г. И. Икромова доклад қилди. Область Советининг план-бюджети бўйича доимий комиссия раисининг ўринбосари Ш. З. Зоҳидов шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1971 йил ишлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ М. Т. Турсунов сўзга чиқди.

Сессия ишида республика министрликлари ва унга қарашли ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.

ТУРИСТИК ПОЕЗД САФАРДАН ҚАЙТДИ

Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов ходимлари учун Тошкент область партия комитети, область касаба союзлари комитети ташкил этган туристик поезди сафардан қайтди.

Туристик поездининг 360 кишилик коллективи ичида пахта далаларида ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилган илғорлар бор. Улар 20 кун давомида иттифоқимизнинг ўндан ортиқ шаҳарларини айланиб, ҳордиқ чиқардилар. Қишлоқ хўжалик илғорлари Боку, Ереван, Тбилиси, Батуми, Гагра, Сухуми каби хушҳаво шаҳарларни айланишди.

Саёҳатчилар ичида областимизнинг донгдор механизаторлари ва пахтакорларидан бўлган, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтарган Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозининг бригада бошлиғи Очил Маматқулов, Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли моҳир бригада бошлиғи Рашид Хожибеков, бу йил она-Ватан хирмонига ўз «зангори кема»си билан 300 тонна пахта тўккан шу райондаги Мичурин номли колхозининг механизатори Раҳмон Суяров ва бошқалар бор эди.

В. УРИЦКИЙ.

ЕРГА-ЕР ҚЎШИЛМОҚДА

Бекободдаги махсус механизацияланган колонна Тошкент область сув қурилиш трестининг илғор ташкилотларидан ҳисобланади.

Қўли гул қурувчилар йиллик қурилиш-монтаж ишлари планини муваффақиятли бажарганликлари ҳақида шу йилнинг 3 ноябрида қаҳ қалаба рапорти берган эдилар. Пландаги 600 гектар ўрнига 700 гектарга яқин майдон экин экишга тайёр қилинди. 634 гектар экин майдонлари капитал планировкадан чиқарилди. Бу планда белгиланганидан 234 гектар кўпдир.

Колоннадаги бригадалар ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб юборишган. Бу ҳам ишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мусобақада ўртоқ Музаффаров раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари пешқадамлик қилишяпти. Улар йиллик планни бир ярим бараварга етказиб бажариб қўйдилар. Ўтган ўн бир ой мобайнида 5 минг кубометрга яқин бетон ётқизиллар. Б. Кашеев бошчилигидаги бригада аъзолари ҳам социалистик мусобақада доим мукофотли ўринларни эгалламоқдалар.

Бекобод районида янги ерлар очиш, мавжуд суғориш иншоотларини реконструкция қилиш, сув ирсофларини ва ҳ. к. ларни ўришдек ҳайратли ишга мунозиб ҳисса қўшаётган колонна коллективи шу кунларда знмма-мага одинган қўшимча мажбуриятни шараф билан бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Р. БАГИРОВ.

Тошкент ГРЭСи. Яқинда нурхонанинг сўнгги — 12 блоки ҳам ток бера бошлади. Натижада ГРЭС тўла қувват билан ишламоқда. Суратда: блок машинисти Валерий Чесноков бошқариш пульти ёнида. Ф. АБДУРАСУЛОВ фотоси.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА — МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ГАРОВИ

КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори тўққизинчи беш йиллик планни тўрт йилда бажариш йўлидаги курашни янада авж олдириб юборди.

Оҳангарон районидаги 1- «Оҳангарон» совхозининг ишчилари КПСС Марказий Комитетининг ушбу қароридан руҳланиб, мамлакатга кўплаб гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ҳаракатидалар. Совхоз ишчилар комитети ва бўлимлардаги касаба союз ташкилотлари ишчилар ўртасида социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Шунингдек, фермалар, отарлар ўртасида ҳам социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Совхозимизнинг азамат чорвадорлари 1971 йилда 521 та соғин сигирдан 14450 тонна сут соғиб олишга аҳд қилган эдилар. Бу план яқин кунларда бажарилади. Илғор сут соғувчилардан Доно Парпиева, Тўлғоной Кодирова, Иззат Назирова, Зуҳра Ҳасановалар ҳарбир сигирдан 2700 килограммдан сут соғиб, йиллик планни бажардилар. Совхоз ишчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Квартал ва ярим йиллик социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин адо этган Бувайда Омонова, Саноқбар Эржонова ва бошқаларга қимматбаҳо буюмлар ва пул мукофотлари берилди.

Совхозимиз ишчилари бу йил давлатга 2050 тонна сабзавот топширдилар. Мажбуриятларни муддатидан олдин адо этган биринчи бўлим (бошқарувчиси ўртоқ Абдулла Латипов) ишчиларига совхоз маъмурияти томонидан бир бош қўй ва 100 сўм пул, 2-бўлимнинг ўртоқ Нурмат Парпиев бошлиқ бригадаси ишчиларига эса бир бош қўй ва 20 сўм миқдорида пул мукофоти берилди. Шунингдек, ўзаро социалистик мусобақани қизитиб 180 тоннадан ортиқ сабзавот топширган Карим Бийдиев, Қодир Абдурахмонов бошлиқ бригадалар ҳам рағбатлантирилди.

Социалистик мусобақа ем-ҳашак жамғарувчилар ўрасида ҳам кучайтирилди. Бу йил 4460 тонна силос, 197 тонна сенаж тайёрлаб бир ярим йилга етадиган озуқа базаси яратилди. Ем-ҳашақ жамғаришда совхоз ишчилари комитетининг аъзоси инженер Абдурафиқ Ғофуров бошлиқ бригаданинг механизаторлари Турсунбой Ҳолбоев, Ниёзбой Йўлдошев, Эргаш Эралиев, Ғаҳи Усмонов ва Пиримқул Раҳимқуловлар зўр ғайрат кўрсатдилар. Улар ишчилар комитетининг қимматбаҳо буюмлари, пул мукофотлари, фахрий ёрлиқлари ва кўчма вимпеллар билан тақдирланди.

Ҳозирги вақтда автогараж коллективи коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли номга эришган шоферлардан Ҳамид Йўлдошев, Файзи Арслонбеков, Жамол Ўсаров, Турғун Усубалиев ўртоқлар юк ташиш бўйича олган мажбуриятларни бажармоқдалар.

Совхозга область партия Комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область Советининг кўчма қизил байроғи берилгани ишчиларимизни янада рағбатлантириб юборди. Шу йилнинг охиригача пландан ташқари 1000 тонна сабзавот, 350 тона сут, 24 тонна гўшт, 300 минг дона тухум, 70 тоннадан ортиқ полиз маҳсулотлари сотиш мажбуриятини олдик.

М. ҚАЮМОВ,
Совхоз ишчилар комитетининг раиси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЯНА ҚАНДАЙ БАҲОНА КЕРАК

Ҳурматли редакция! Биз Бешқайрогоч массивининг 10-кварталида яшовчи аҳоли бошқа иноҳимиз қолмагани учун сизга мурожаат қиляпмиз.

Гап шундаки, «Қурувчи» ва «Шифокор» кўчалари оралиғидаги 150 метрли йўл шу атрофда яшовчи аҳоли қатнайдиган марказий йўл бўлишига қарамай ҳалигача асфальтланмади. Дастлаб бунга шу майдонда яшайдиган уч хонадон баҳона бўлган эди. Мана, уларнинг уйлари бузилганига икки йилдан ошди, бошқа баҳона ҳам йўқ. Лекин ҳамон ёшқари ёзда тупроқ, қишда лой кечиб юрибмиз.

«Қурувчи» кўчасининг қоқ белида ўрта мактаб жойлашган. Айниқса қишда болаларга жуда қийин бўлади, оналар эса кўпинча уларнинг кийим-бошидаги лойни тозалашдан чарчайди...

Бундан ташқари, транспорт қатнови ҳам жуда ёмонлиги ҳақида ёзмаган ташкилотимиз қолмади. Бироқ, аҳвол ҳануз ўша-ўша...

Сиздардан илтимос, шу талабимизни Октябрь район ижроия комитетидаги ўртоқларга етказиб қўйсангиз.

И. ИСРОИЛОВ,
Ҳ. ХАИТОВ.

БОСИЛМАГАН ХАТЛАР ИЗИДАН

„ХИРА ЧИРОҚЛАР"

Бўстонлиқ районидаги Товоқсой қишлоғидан келган бир хатда чироқлар хира ёнаётганлиги таниқ қилинган эди. Бу ерда яшаётган кўпчилик аҳоли монтёрлар бепарволиги натижасида юқоридаги ҳол ҳар куни қайтарилаётганлиги учун эътироз билдиришган.

Редакция текшириш ва чора кўриш учун район партия комитетига шу хатни юборган ди, яқинда унга жавоб олдик.

Жавобда айтилишича, район электр тармоқлари ходимлари томонидан аҳолининг шикояти текширилганда, фактлар тасдиқланган. Аҳоли уйини ёритиш учун берилаётган ток кучи 220 вольт ўрнига 160 вольт эканлиги аниқланган. Камчиликларни тугатиш учун қўшимча тадбирлар амалга оширилган. Ҳозир электр симларидаги ток кучи 210-220 вольт атрофида нормал ҳолга келтирилган.

МЕҲРИБОН ШИФОКОРЛАР

Шинам зал. Телевизор, роҳатижон ўриндиқлар... Айниқса, барг ёзиб турган гуллар залга файз бериб турибди. Бундай жойнинг ўзи киши руҳи ва кайфиятини кўтаради.

Бир гуруҳ беморлар суҳбатлашиб ўтиришибди. Улар — республикамизда хизмат кўрсатган ўқитувчи Қутбинисо Ҳамидова, Олмалиқ шаҳридаги 22-магазин мудираси Муҳаббат Омилова, Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигига қарашли қурилиш трестининг бош инженери Эргаш Иброҳимов ва тошкентлик Мавжуда Тўрахоновалар эди.

Даврадагилар шу ўринда маслаҳатгўй врач Г. Потаповадан ҳам, ҳамширалар С. Иногомовадан ҳам, М. Каримовадан ҳам хурсанд эканликларини айтадилар.

— Улуғлар, инсон учун уч киши энг азиз, деган эканлар, — дейди улардан бири. — Биринчиси — ота-она, иккинчиси — ўқитувчи, учинчиси — шифокор. Бу ерда ҳам шундай шифокорлар оз эмас кўринади.

Дарҳақиқат, «Тошсовет» номидаги физиатерапия шифохонасида ўз касби-корини эъзозлаётган медицина ходимлари анчагина. Улардан бири шифохона бош врачининг ўринбосари тажрибали терапевт Наира Ёқубова ҳузуридамиз.

— Шифохонамиз катта даргоҳга айланган, — дейди у. Бу ерда 200 киши даволанади. Беш йилликда қўшимча 150 ўринли янги корпус қурилади. Асаб, ошқозон, бод ва бошқа касалликларни даволаш учун кенг имконият очилади.

К. НОРМАТОВ,
республика «Билим» жамиятининг ходими.

Тилов Тўхтаев «1000 майда моллар» магазинининг химия-хўжалик моллари бўлимида ишлайди. У ўзининг хушмуомалалиги ва ҳозиржавоблиги билан харидорлар ҳурматини қозонган. Суратда: комсомол аъзоси Т. Тўхтаев харидорга газ плитаси билан муносабатда бўлишни тушунтирмоқда.

Л. Глауберзон фотоси.

КЎЧМА КУТУБХОНАЛАР

Поездларда узоқ-яқин йўлга отланган кишиларга намунали хизмат кўрсатаётган Тошкент темир йўл бўлинмаси кутубхонаси бой китоб фондига эга. Илм ўчоғи ҳузурида кўчма қироатхоналар ҳам ишлаб турибди.

Бундай кўчма кутубхоналарни темирйўлнинг деярли барча кичик ва катта станцияларида учратиш мумкин. Тўйтепа. Ангрен каби станциялардаги қироатхоналар ўзларининг доимий китобхонларига ҳам эга. Уларда алоҳида каталоглар тузилган.

Кўчма кутубхоналар ихтиёрида ҳозир 40 мингга яқин турли адабиётлар бор.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

«... Бугун университетларда, институтларда, ўрта техника билим юртларида ўқиётган кишилар жуда яқин келажакда планларимизни амалга оширишда актив, ижодий қатнашиши лозим бўлган кишиларнинг ўзгинасидир».

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг студентлар Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқидан).

«Ёшликда билгани — тошга ёзгани, қариликда билгани — музга ёзгани», дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ёшликда, ўсмирликнинг қайнаб-тошиб, куч-ғайратга тўлиб турган пайтида билим олиш, илм-фан сирларини қунт билан эгаллаш бу катта ҳаёт йўлидаги энг муҳим босқичдир. Келажакда фанимизнинг муносиб етук кишилари, ажойиб кашфиётчилар бўлиб етишишлари учун ёшлар студентлик партасиданоқ оламча кенг билим манбаларидан тўлиқ баҳраманд бўлишга интилишлари керак. Билимларни чуқурроқ билиб олиш, уни янада ижодий тафаккур этиб ривожлантириш, илм-фан йўлида ихтирочи, изланувчи бўлишга интилиш нур устига яна аъло нурдир.

Студентлик даврида илмий темаларда ҳар хил кузатишлар олиб бориш илмий назария ва практика ҳамкорлигида катта ютуқларни қўлга киритишга имкон беради. Шунинг учун ҳам Тошкент политехника институтида студент ёшларнинг самарали илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун барча қулай шароитлар яратиб берилган.

Институтнинг мавжуд ҳамма факультетларида Студентларнинг илмий жамияти (СНО) ишлаб турибди. Чунончи, институт кимё технологияси факультетининг барча кафедраларида студентларнинг лекцияларда олган ўз назарий билимларини амалда илмий ишлар жараёнида мустаҳкамлаб боришлари учун замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялардан фойдаланиб келинмоқда.

Бу факультет илмий жамиятининг, ўз фахрий аъзолари бор. Улар ҳозир турли илмий-тадқиқот муассасаларида фаол ижод этиб келаётган, ўз изланишлари билан кенг жамоатчиликда яхши танилиб бораётган олимлар ва инженерлардир. Ҳар йили институтда студентларнинг илмий конференциялари бўлиб ўтади. Ёшларнинг ўзига хос бу илмий анжуманларида студентлар ўзлари олиб бораётган илмий изданишлари ҳақидаги докладлар билан чиқадилар.

Факультетнинг органик ва нефть-химия синтези технологияси кафедрасида студентларнинг илмий иш билан шуғулланишлари, айниқса, яхши йўлга қўйилган. Кафедра лабораторияларида студентлар ҳар хил темаларда илмий кузатишлар олиб бормоқдалар.

Бу йилги илмий-тадқиқот ишларининг натижалари қувончли бўлди. Чунки, студентларнинг илмий изланишлар соҳасида қўлга киритган ютуқлари ишлаб чиқаришда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу борада институтни битириш арафасида турган 101-76 группа студентларининг илмий изланишлари диққатга сазовордир. Масалан, шу группадаги Холида Шокирова лаборатория йўли билан синтез қилиб олган тезлаштирувчи (ускритель) модда Тошкент резинатехника заводида муваффақиятли қўлланилмоқда.

Тадқиқотчи студент Холидахоннинг қувончи чексиз. Чунки, химиявий усул билан у ажратиб олган янги модда резина пиширишни тезлаштиришда самарали натижалар берди. Бунинг натижасида корхонада меҳнат унумдорлиги 2-2,5 баравар ошди.

Бундай ёш ижодкорларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, М. Ёқубова, Л. Аловиддинов, Н. Ризаева, М. Шоҳамидова, Б. Усмонова ва бошқа студентларнинг олиб бораётган илмий ишларидан қувончли натижалар кутилмоқда. Назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкам боғлаб, турли илмий темаларда иш олиб бораётган бу ёшлар қобилиятли изланувчи, ижодкор сифатида барча факультет студентларига намуна бўлиб келишяпти.

Студентларнинг бундай муваффақиятли илмий изланишларида ўқитувчилар катта ёрдам беришяпти. Кафедра мудири, химия фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган ихтирочи Обиджон ака Сафоев, кафедра катта ўқитувчиси, химия фанлари кандидати Абдубосит Қодировлар студентлар билан, айниқса, самарали иш олиб боришяпти. Устозлар ўз шогирдларининг пухта билим олишлари, студентлик партасидаёқ илмий ишлар билан шуғулланишлари, келажакда фан соҳасида етук илмий ходимлар ёхуд моҳир инженерлар бўлиб етишишлари учун қайғуриб, ўзларининг бой тажрибалари, битмас-туганмас билим дурдоналаридан уларни тўла баҳраманд этиб келмоқдалар.

Студент ёшларнинг ўз қадрдон устозларига ҳурматлари баланд. Улар энг навқирон давр — студентлик олтин даврида билим сирларини чуқур ўргатган, гамхўр тарбиячи ва меҳрибон устоз бўла олган ўз ўқитувчиларини сира эсдан чиқармайдилар.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Ш. НУРУЛЛАЕВ.

СОВЕТ ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Совет кишилари, социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлар оммаси ва барча тинчликсевар кучлар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг ўрток Л. И. Брежнев доклади юзасидан «Партиянинг XXIV съездидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида»ги қарорини ҳамда СССР Олий Советининг III сессияси қабул қилган тарихий ҳужжатларни гоят мамнуният билан кутиб олдилар. Бу ҳужжатлар жаҳон жамоатчилигининг зўр эътиборини жалб қилди. Чунки Пленум қарори, сессия ҳужжатлари КПСС ва Совет ҳукумати ўтказиб келаётган ленинча реалистик сиёсатнинг ҳаётбахш кучини яққол намойиш қилиб, бутун тараққийпарвар инсониятни империалистик агрессия-га қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашга отлантирмоқда.

* * *

Совет давлати ташқи сиёсатининг асосий принципларини В. И. Ленин ишлаб чиққан эди. Мамлакатимизда Октябрь революцияси галаба қозонган кунларнинг эртасигаёқ, Советларнинг II съезди Владимир Ильич ёзган тарихий Декретни қабул қилди. Бу декретда чинакам демократик асосларда умумий тинчлик ўрнатишнинг ленинча йўли ва воситалари баён қилинган эди. Унда миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги ва дахлсизлигини, миллий суверенитетни эътироф қилиш ва ҳурматлаш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик каби социалистик интернационализм принциплари ҳам ўз ифодасини топди.

Тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш В. И. Ленин ва Коммунистик партия раҳбарлигида қарор топган социалистик тузумнинг табиатидан келиб чиқади. Капиталистик системага қарамақарши ўлароқ, социалистик системада урушдан манфаатдор бўлган синфлар ва гуруҳлар йўқ, бунда ер ҳам, табиий бойликлар ва ҳом ашё манбалари ҳам халқникидир. Халқларга ўз идеологиясини зўрлаб қабул қилдириш социалистик системанинг синфий табиатига бутунлай зиддир. Социализм — коммунизм қурилишининг ўзи, унинг тарихий вазифаларини муваффақият билан бажариш халқаро миқёсда мустаҳкам тинчлик бўлишини, социалистик мамлакатларнинг капиталистик мамлакатлар билан тинч иқтисодий мусобақа қилишини тақозо этади. Шунга кўра, Совет давлати аввал бошданоқ тинч-тотув яшаш учун курашни ўз ташқи сиёсатининг асосий йўли деб ҳисоблади. Бу сиёсат мамлакатимизнинг сўнгги ярим асрдан кўпроқ вақтни ўз ичига олган даврдаги тарихий тажрибасида ҳаёт синовидан шараф билан ўтди ва ўзининг ижодий кучини яққол намоён қилди.

Тинчлик ва тинч-тотув яшашни таъминлаш халқаро майдонда социализм позицияларини мустаҳкамлашнинг ва коммунизм тантанаси учун курашнинг гоят муҳим шартидир. Урушларга барҳам бериб, ер юзида абадий тинчлик ўрнатиш коммунизмнинг тарихий миссиясидир. КПСС Программасида бундай дейилади: **«КПСС СССРда «Коммунистик жамият қуриш учун ва жаҳон социализм системасини ривожлантириш учун тинч шароит таъминлашни ҳамда барча тинчликсевар халқлар билан бирликда, инсониятни қирғинлик келтирувчи жаҳон урушидан қутқаришни ўзининг ташқи сиёсати соҳасидаги фаолиятининг асосий мақсади деб билади».**

СССР ташқи сиёсатининг бош йўли — тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун кураш, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципларини изчиллик билан амалга оширишдан иборат. Мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг янада ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб бераётган бу йўл КПСС XXIV съездининг тарихий ҳужжатларида янада ривожлантирилди. Съезд тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун, халқларнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун курашнинг илмий жиҳатдан асосланган, кенг ва яхлит программасини ишлаб чиқди; КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсий фаолиятининг ҳозирги босқичга, яқин фурсатларга ва келажак истиқболга мўлжалланган вазифалари ҳамда йўналишларини белгилаб берди.

Бу йўл, **биринчидан,** социализм ва коммунизм қуриш учун қулай тинч шароитни таъминлаб беришга; **иккинчидан,** социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлигини ва жипслигини, уларнинг дўстлигини ва қардошлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга; **учинчидан,** миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга ва ривожланаётган ёш давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни кучайтиришга; **тўртинчидан,** турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принципини изчиллик билан ҳимоя қилишга; **бешинчидан,** империализмнинг агрессия ҳатти-ҳаракатларига зарба бериш ва барча антиимпериалистик кучларни жипслаштиришга, шунингдек халқларнинг озодлиги, мустақиллиги ва хавфсизлиги ишини, бутун дунёда тинчлик ва тараққиёт ишини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бу программада совет халқининг миллий ва интернационал манфаатлари бир бутун қилиб уйғунлаштирилган. У, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашнинг, социализм билан капитализм ўртасидаги курашнинг ҳозирги босқичига тўла равишда жавоб беради ва умумий, мустаҳкам тинчлик ўрнатишдан иборат реал тадбирларни ифода этади. Шунинг учун бу программа бутун прогрессив инсоннят манфаатларига мос бўлиб тушмоқда ва халқаро миқёсда кенг эътироф қилинмоқда.

Совет Иттифоқи ана шу ленинча тинчлик программасини гоят изчиллик билан амалга ошира бориб, съезддан кейинги қисқа муддат мобайнидаёқ халқаро вазиятни соғломлаштириш ва манфаатдор мамлакатлар билан муносабатларни янада яхшилаш соҳасида талайгина муваффақиятларга эришди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг Қримдаги учрашувида тинчлик ва хавфсизлик учун курашнинг актуал масалалари муҳокама қилинди. Совет Иттифоқи билан Миср ҳамда СССР билан Ҳиндистон республикаси ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси, шунингдек Ғарбий Берлин тўғрисидаги тўрт томонлама битим имзоланганлиги каби тарихий воқеаларни жаҳон жамоатчилиги мамнуния билан кутиб олди.

Эндиликда, СССРнинг капиталистик дунё мамлакатларининг баъзилари билан халқаро сиёсатнинг умумий масалаларида ҳамкорлиги кенгайди, иқтисодий маданий ва илмий-техника алоқалари анча ривожланди. Масалан, кейинги тўрт йил мобайнида 20-дан ортиқ капиталистик давлат ва ривожланиб бораётган давлатларнинг бошлиқлари Совет Иттифоқига расмий визит билан келиб кетишди. Шу давр ичида мамлакатимизга 37 та парламент делегацияси келиб кетди. СССР Олий Советининг 25 делегацияси эса чет мамлакатга бориб келди. Ҳозирги пайтда чет элларда 144 элчихона ва консулхона СССРнинг давлат манфаатларини сиёсий соҳада ифода этиб турибди. Совет Иттифоқи 400 дан ортиқ халқаро ташкилотнинг фаолиятида қатнашмоқда. У, амалдаги 7000 дан ортиқ халқаро шартнома ва битимларга имзо чеккан.

Буларнинг ҳаммаси КПСС ва Совет давлати ўтказиб келаётган тинчлик сиёсатининг, тинч-тотув яшаш ленинча принципларининг ажойиб тантанасидир. **«Биз,** — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — КПСС XXIV съездида қилган Ҳисобот докладида, — **давлатларнинг ижтимоий тузуми қандайлигидан қатъий назар, улар билан илгаригидек тинч-тотув яшаш ленинча принципини изчиллик билан ҳимоя қилиб келдик, ҳозир бу принцип халқаро тараққиётнинг реал кучига айланиб қолди».**

Партия ва Совет ҳукумати изчиллик билан ўтказаётган ленинча ташқи сиёсат империализмга қатъий зарба бериш ва революцион, озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашига қаратилган изчил йўл билан муттасил боғлаб олиб борилмоқда, бу сиёсат жаҳон ишларида Совет Иттифоқининг юксак обрўсини таъминлаб, социализмнинг, барча прогрессив кучларнинг халқаро позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам берди, халқаро вазиятни халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги фойдасига ўзгартиришга катта таъсир ўтказди.

Совет Иттифоқи тинчлик программасини изчиллик билан амалга ошира бориб, оммавий қирғин қуролларининг ҳамма турларини тақиқлаш ва давлатларнинг ҳарбий бюджетларини қисқартириш ҳақидаги, ядро қуроли синовларини батамом тўхтатиш, ядро қуролига эга бўлган беш давлат конференциясини чақириш ҳамда қуролсизланиш проблемасига бағишлаб барча давлатларнинг иштироки билан жаҳон конференциясини ўтказиш тўғрисидаги, марказий Европадаги қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш ҳақидаги конструктив таклифларни илгари сўраётир.

Қуролсизланиш — совет тинчлик программасининг ажралмас таркибий қисмидир. Буни КПСС ва Совет давлати ўзининг амалий ишлари билан яққол кўрсатиб турибди. Сўнгги йилларда бу соҳада ҳам муайян муваффақиятларга эришилди. Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақида, оммавий қирғин қуролини космосда ҳамда денгиз ва океанларнинг тубида жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисида шартномалар тузилди. Шу йил 30 сентябрда Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари назорати остида бўлган ядро қуролини тасодифий равишда ёки рухсатсиз қўлланишнинг олдини олиш учун ҳар иккала мамлакат кўрадиган чоралар ҳусусида ҳамда СССР билан АҚШ ўртасида бевосита алоқа қилиб туриш учун Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиш йўли билан мана шундай алоқа линияларини такомиллаштириш ҳусусида СССР билан АҚШ ўртасида тузилган икки битим имзоланди. Яқинда эса, очиқ денгизда ва осмонда ҳар икки томон кемалари, самолётлари ва вертолётлари ўртасида эҳтимол тутилган можароларнинг олдини олиш тўғрисидаги Совет-Америка музокараларида ҳам бир қанча масалалар юзасидан бир хил фикрга келишишга эришилди. Стратегик қуроллар ишлаб чиқаришни камайтириш тўғрисида Совет-Америка музокаралари давом этаётир. Шундай қилиб, Американинг «Нью-Йорк Таймс» газетаси эътироф қилиб ёзганидек, «СССР тинчлик йўлида кенг фронт бўйлаб ҳужум қилмоқда».

Совет халқининг тинчликка бўлган иродаси Коммунистик партия ва Совет ҳукумати учун олий қонундир. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ва унинг қабул қилган тарихий қарорлари бунинг янги, ёрқин ифодаси бўлди. Пленумнинг **«Партия XXIV съездидан кейин КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида»**ги қарорини ва съезд белгилаб берган ташқи сиёсий программани амалга ошириш юзасидан Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси кўрган чора ва тадбирларни совет кишилари яқдиллик билан маъқуллаб, тўла-тўкис қувватламоқдалар. Партия, халқ, ҳукуматнинг моналит бирлиги ана шунда янада яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур қарорда қайд қилиб ўтилганидек, Пленум Марказий Комитет Сиёсий бюросининг амалий позициясини ва унинг Ҳинди-Хитой ҳамда Яқин Шарқдаги империалистик агрессиянинг хатарли манбаларини тугатишга, Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги можарони тинч бартараф этишга, ер куррасининг энг катта райони бўлган Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида қўйган амалий қадамларини, шунингдек бошқача социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципларини амалга ошириш соҳасидаги амалий ҳаракатларни тўла-тўкис маъқуллади.

Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Европадаги кескинликни юмшатишни таъминлаш, Европа давлатларининг тинч-тотув яшаши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги принципларини янада амалда қўлланиш йўлидаги фаолиятига юксак баҳо берди. Бу вазифани ҳал этиш йўлида ўртоқ Л. И. Брежневнинг Францияга қилган тарихий визити, унинг президент Ж. Помпиду билан олиб борган музокаралари, биргаликда қабул қилинган ўзаро «Ҳамкорлик қилиш принципларини» ва «Франция-Совет Декларацияси» муҳим аҳамиятга эга бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ўртоқ Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити вақтидаги фаолиятини тўла равишда маъқулладилар. Бу тарихий визитнинг якунлари халқаро хавфсизлик ишига, Европада тинчликни мустаҳкамлаш ва даврда КПСС қардош партиялар билан биргаликда социалистик ҳамдўстликни янада жипслаштириш, унга кирувчи мамлакатлар ўртасидаги ҳартомонлама ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни, социалистик иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, қардош давлатларнинг халқаро майдондаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиб бориш соҳасида катта иш қилди.

Буларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг ва бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқаро позицияларининг янада мустаҳкамланишига ёрдам берди; совет ташқи сиёсатининг ҳаётбахш кучини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатди. Шуни назарда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми **«Марказий Комитет Сиёсий бюросига бундан буён ҳам XXIV съезднинг ташқи сиёсий программасига изчиллик билан амал қилишни топширади, бу программанинг амалга оширилиши СССРда коммунизм қуриш, бошқа социалистик мамлакатларда социализм қуриш учун ташқи шарт-шароитларни яхшилашни билдиради, бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун пухта замин яратади».**

Шу тариқа СССР бошлиқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ва барча тинчликсевар кучларнинг зўр бериб сарфлаган куч-ғайратлари халқаро иқлимнинг маълум даражада юмшашига олиб келмоқда. Бироқ, булар ҳали дастлабки қадамлардир. Ҳаёт жаҳондаги вазиятни тўла соғломлаштириш учун икки буюк давлат — Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва ривожлантиришни ҳам тақозо этаётир.

Маълумки, СССР билан АҚШ раҳбарларининг сўнгги вақтлардаги фикрлашувлари ва музокаралари давомида етарли силжишга эришилгач, ўзаро учрашув ўтказиш матлуб бўлур эди, деган бир фикрга келинди. Шу йил 12 октябрда эса Москва ва Вашингтонда АҚШ президенти Р. Никсоннинг 1972 йил май ойининг иккинчи ярмида Совет Иттифоқига қилажак визити ҳақидаги ахборот эълон қилинди.

Ҳозирги пайтда Совет-Америка муносабатларини яхшилаш ва ривожлантириш учун муайян шароит ва имкониятлар мавжуд. «Биз, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг XXIV съездида қилган Ҳисобот докладида, — СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни яхшилаш мумкин, деган фикрдамиз. Капиталистик мамлакатларга, шу жумладан, АҚШга нисбатан бизнинг принципиал йўлимиз — тинч-тотув яшаш принципларини практикада изчиллик билан ва тўла-тўкис амалга оширишдан, ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришдан, бунга тайёр давлатлар билан эса тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳамкорлик қилишдан, улар билан ўзаро муносабатларни мумкин қадар барқарор қилишдан иборатдир. Лекин биз масалаларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга чинакам интилиш бўлаяптими ёки «зўравонлик» сиёсатини юргизишга уриниш бўляптими, шуни ҳисобга олишга мажбур бўламиз».

Совет—Америка муносабатларининг тинч-тотув яшаш принциплари асосида яхшиланиши ва муваффақиятли ривожланиши фақат ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларигина эмас, балки бутун тараққийпарвар инсониятнинг манфаатларига ҳам тўла мос бўлиб тушар эди.

Бироқ, тинчлик душманлари сира тинчимаётирлар. Улар жаҳондаги хатарли вазиятни сақлаб қолиш ва халқаро аҳволни янада кескинлаштиришга уринмоқдалар. Совет Иттифоқи ва Польша халқ республикаси билан ГФР ўртасида тузилган шартномаларни ратификация қилишга қарши герман реваншчиларининг қилаётган хуружлари, инглиз маъмурларининг Совет-Англия муносабатларини чигаллаштиришга қаратилган ҳаракатлари, америка милитаристик доираларининг Ҳинди-Хитойда шармандали урушни давом эттираётганлиги, уларнинг араб халқига қарши Исроил экспансистларини рағбатлантираётганлиги худди ана шундан далолат бермоқда.

Табиийки, бу ҳол халқларнинг гоят ҳушёрлик билан уруш ва реакцияга қарши, мустаҳкам тинчлик учун янада активроқ кураш олиб боришларини тақозо қилади. Партия ва ҳукуматимиз тинчликка хавф тугдираётган империалистик кучлар мавжудлигини ҳисобга олиб, Совет давлатининг иқтисодий, ҳарбий ва мудофаа қудратини янада ошириш ва мустаҳкамлаш учун, Ватанимиз чегараларининг дахлсизлигини ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриб келди ва кўрмоқда.

«Партиянинг бутун ҳалқаро фаолияти, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорида, — Совет Иттифоқининг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудрати муттасил ўсиб бораётганлигига таянади. Тўқкизинчи беш йиллик планнинг ҳамма кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилиши СССР нинг халқаро позицияларини, обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш учун, халқаро майдонда мамлакатимиз олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун, капитализм билан иқтисодий мусобақада, янги муваффақиятларга эришиш учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлади».

З. ИСАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институти фалсафа кафедрасининг доценти.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ВА ХАЛҚАРО МАСАЛАЛАР

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

СССР МАОРИФ ХОДИМЛАРИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА

ҚОҲИРА, 26 декабрь. (ТАСС). Миср Араб Республикаси бош министри Маҳмуд Фаҳзий кеча Қоҳирада Ўзбекистон ССР маориф министри С. Шермуҳамедов бошчилигидаги СССР маориф ходимлари делегациясини қабул қилди.

Миср Араб Республикаси Бош министри суҳбат вақтида халқ маорифини уюштиришда Совет Иттифоқининг бой тажрибасини ўрганиш ва қўлланишга зўр эътибор бераётганлигини таъкидлади.

Совет делегацияси Қоҳира ва Искандариядаги мактабларни ҳамда олий ўқув юртларини бориб кўрди. Делегация ўқитувчилар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди, алоқа ўрнатиш ва халқ маорифи соҳасидаги иш тажрибаларини айирбошлаш программасини кенгайтириш тўғрисида маданият ва ахборот министрлигининг ходимлари билан музокара олиб борди.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ДАВР

ЛАГОС, 27 декабрь. ТАСС мухбири Ю. Долетов хабар беради:

Ўтиб келаётган 1971 йил Нигерия халқи учун миллий экономикани янада ривожлантириш йўлида муҳим давр бўлди. Нигерия Федерал ҳукумати бошлиғи Якубу Говоннинг айтишича, гражданлар уруши туфайли келиб чиққан бир қанча ижтимоий ва иқтисодий проблемаларнинг ҳал этилганлигини шу йилнинг асосий муваффақияти деб ҳисоблаш керак.

Федерал ҳукумат амалга оширган чоралар натижасида Нигерия халқи гражданлар урушининг мамлакатга етказган жароҳатларини ишонч билан даволамоқда. Нигериянинг уруш ҳаракатлари олиб борилган шарқий районларида мактаблар ва касалхоналар тикланди, аҳоли пунктлари ўртасида мунтазам транспорт алоқаси йўлга қўйилди. Кўпчилик саноат ва савдо корхоналари ҳамда банклар яна ишлай бошлади.

Нигерия матбуотида эълон қилинган қуйидаги рақамлар эришилган муваффақиятларни кўрсатувчи яққол далил бўла олади.

1971 йилда миллий ялпи маҳсулот умумий суммаси 1 миллиард 800 миллион фунтдан зиёд бўлди. Бу эса 1966-1967 йиллардаги даражасидан 300 миллион фунт кўп. Нигериянинг асосий экспорт қиладиган маҳсулоти нефть қазиб чиқариш ҳам урушдан илгариги даражасидан анча ошди. Нигерия экспорти ҳажми бир мунча кўпайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўсди, мамлакатнинг валюта запаси кўпайди.

Ташқи сиёсат соҳасида катта силжишлар рўй берди. 1971 йил давомида Африка қитъасида Нигериянинг обрўйи анча кучайди. Шу давр ичида федерал ҳукумат иқтисодий, техникавий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида бир қанча шартномалар ва битимлар тузди. Бу эса Нигериянинг Африкадаги мустақил давлатлар билан муносабатлар учун янги истиқбол очиб беради.

Мамлакатнинг келгуси йилга мўлжалланган плани ғарбий монополиялар тазйиқидан ҳалос бўлган миллий экономикани мустаҳкамлаш программасини амалга оширишга жуда бой миллий ресурслардан кўп миллионли халқ манфаатлари йўлида тўла фойдаланишга қаратилган.

БАНГЛА ДЕШ МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ДАККА, 27 декабрь. (ТАСС). Бангла Деш бош министри Т. Аҳмад ўз ҳукумати ташқи сиёсатининг асосий принципи барча мамлакатлар билан тинч-тотув яшашдан иборат, деди.

Бош министр Даккада ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтди: уруш натижасида кўп жой вайрон бўлганлиги сабабли Бангла Деш экономикасини тиклаш учун ташқи манбалардан ёрдам олишга тўғри келади. Аммо, деди Т. Аҳмад, бизнинг озодлик курашимизга қарши чиққан мамлакатлардан ёрдам олмаймиз.

Бош министр сўзини давом эттириб, бундай деди: ҳозирги вақтда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа — экономикани реконструкция қилишдан ва Ватанига қайтиб келаётган миллионларча қочоқларни ишга ўрнатишдан иборат.

Т. Аҳмад халқ иттифоқининг 1970 йилги сайловда овозларнинг кўпчилигини олган вакиллари Бангла Деш ҳукуматидаги министрлик лавозимларининг ҳаммасини эгаллайди, деди.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

ДЕҲЛИ, 27 декабрь. (ТАСС). Ҳиндистон ярим оролида яқинда рўй берган воқеалар мамлакатлараро муносабатлар ва Вашингтон ва Пекин эгаллаган позицияларга қарши кучли норозилик намойишлари Америка ва Хитой элчихоналари бинолари олдида бўлиб ўтди.

Намойиш қатнашчилари АҚШ элчихонаси вакилларига меморандум топширдилар. Улар бу меморандумда Яҳёхоннинг реакцион ҳарбий режимига дарҳол мадад берган ва Бангла Дешдаги озодлик ҳаракатининг бостирилишини қўллаб-қувватлаган Оқ Уй ва маочиларнинг сиёсатини қатъий қоралядилар.

Америка қўшинлари ва унинг сайгонлик қўғирчоқлари Жанубий Вьетнам тупроғида инсон ақл бовар қилмайдиган ёвузлик қилмоқдалар. Суратда: боқинчилар жанубий вьетнамлик деҳқонни азоблаётган лар.

«ЛАЙФ—ТАСС фотоси»

ПОКИСТОН СИЁСИЙ АРБОБЛАРИНИНГ ДАЪВАТИ

РАВАЛПИНДИ, 27 декабрь. (ТАСС). «Жамоатул уламои ислом» партиясининг раҳбари Ханви, «Жамоатул уламои Покистон» партиясининг раҳбари Нуроний ва халқ иттифоқининг Карочидаги бўлимқ ранси Ул-Ҳақ президент Бхуттони дарҳол Мужибур Раҳмонни озод қилиб, у билан музокаралар бошлашга даъват этдилар. Нуроний президентга йўллаган мурожаатида М. Раҳмон шарқий Покистон халқининг ишончига сазовор бўлди, деб таъкидлаб ўтилади.

Ул-Ҳақ президент Бхуттога мурожаат қилиб, ғарбий Покистон сиёсий арбоблари делегациясининг Мужибур Раҳмон билан учрашувига рухсат беришни сўради.

КАРОЧИ, 27 декабрь. (ТАСС). Бу ерда чиқадиган «Морнинг ньюс» газетаси ёзади: Бхутто ҳеч ҳаялламай Раҳмон билан дастлабки музокаларни бошлаб юбориши ва проблемаларни сиёсий жиҳатдан ҳал этиш тўғрисида у билан келишиб олиши лозим.

ЖУДА ЯХШИ ИСТИҚБОЛЛАР

РИМ, 27 декабрь. ТАСС мухбири Д. Степанченко хабар беради:

Миландаги савдо-саноат палаталарининг органи «Сол-вентикуаттро оре» газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқи билан Италия ўртасидаги муносабатлар соҳасида 1971 йилнинг асосий якунлари — савдо-сотиқни ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, илмий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат. СССР билан Италия ўртасида имзоланган янги беш йиллик савдо битими ҳар иккала мамлакат ўртасидаги товар оборотини янада кўпайтириш учун мустаҳкам асос вужудга келтиради.

Совет Иттифоқи билан Италия ўртасида автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорлик муваффақиятли суратда давом этмоқда, металлургия, химия, тўқимачилик ва тикувчилик саноати соҳасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Миланда ўтказилган Совет-Италия симпозиуми вақтида таъкидлаб ўтилганидек, СССР билан Италия ўртасидаги товар оборотининг умумий ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда ва кейинги етти йил ичида икки баравардан зиёд кўпайди.

Италия савдо-саноат палаталарининг вакиллари Совет-Италия битимига юксак баҳо бердилар. Бу битим Италияга Совет Иттифоқидан юз миллиард кубометрдан ортиқ табиий газ юборишни кўзда тутади. Италия эса бунинг эвазига СССРга газ саноати учун катта диаметрли қувурлар ва турли машина-ускуналарни етказиб беради.

Италия бозорида совет саноатининг маҳсулоти: — металл ишловчи станоклар, эритиш корхоналари учун керакли машина-ускуналар, тракторлар, сув ости қанотли кемалар ва шу сингариларга талаб ортиб бормоқда. Италия саноатчилари Италия саноатчилари конференцияси делегациясининг яқинда шу конференция президенти Р. Ломбардни бошчилигида Москвага қилган визитига ижобий баҳо бердилар. Мамлакатнинг кўпгина газеталари СССР билан Италия ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур, деб ёзмоқдалар.

ГФР ХУКУМАТИ ВАКИЛИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОННИ, 27 декабрь. (ТАСС). Ҳукуматнинг расмий вакили Алерс бундай деди: Ғарбий Германия ҳукумати Германия Федератив Республикасининг Совет Иттифоқи ва Польша билан тузилган шартномаларни ратификация қилинишига аминдир.

Федерал ҳукумат, деди Алерс, христиан-социал иттифоқ партиясининг раиси шарққа нисбатан «оқилона» сиёсатни ёқлаб чиққан бўлса ҳам бу шартномаларга салбий баҳо бераётганлигидан афсусланмоқда. Штраус, деди Алерс, ўз мулоҳазаларидан тегишли хулосаларни чиқариб олганида, Германия Федератив Республикасининг сиёсат соҳасидаги аҳволи яхшиланган бўлур эди.

Ҳарбий ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

№ 75

БУ ЙЎЛЛАРНИ УНУТИБ БЎЛМАЙДИ

Шу йил ноябрь ойининг бошларида Тошкент шаҳри ҳамда Янгийўл, Оққўрғон районларининг бир группа пионерлари Москва областига бориб, 1941 йилда Москвани ҳимоя қилган туркистонлик жангчилар хотирасини ёдга олишди.

Бугун ана шу сафар ҳақида ҳикоя қилинади.

Биз байрам қиёфасига бурканган пойтахт орқали 7 ноябрга ўтар кечаси Волоколамскка кириб бордик. 23 кишидан иборат группамиз шаҳар меҳнаткашлари билан байрам намойишида қатнашди.

Волоколамскликлар бизни илиқ қарши олиб, қўлимизга Ўзбекистон ССР байроғини тутқазишди. Бу байроқни пионер Ҳолиса Худойбердиева марказий майдондан кўтариб ўтди. Биз шаҳар билан хайрлашаётганимизда кўз олдимизда унинг 900 йиллик тарихи намоён эди.

Волоколамскка Киев князи Ярослав Мудрий (1019—1054) XI асрнинг биринчи ярмида асос солган. Бу ҳақда 1135 йил солномасида маълумот берилган. Шаҳар марказида тупроқдан уюлган тепалик бунёд этилиб, унинг устига қалъа — Кремль қурилган. Ҳозир ҳам бу тепаликда архитектура безаклари билан диққатга сазовор бўлган, оқ тошдан ишланган Воскресенский собори сақланиб қолган.

Саккизинчи ноябрь куни бизнинг келишимиз муносабати билан Волоколамск ўлкашунослик халқ музейининг ходимлари ишга чиқишди. Музей 1962 йили Иван Михайлович Онуфриев раҳбарлиги остида жамоатчилик асосида ташкил қилинган. Группамиз аъзолари И. Онуфриев ва В. Денисовларнинг Волоколамск тўғрисидаги лекцияларини зўр қизиқиш билан тингладилар. Музей ходимлари бизга китоб ва шаҳар бўйлаб қисқа йўл кўрсаткич совға қилишди.

Шу куннинг ўзида биз Кашино қишлоғини томоша қилдик. Маълумки, бу тарихий қишлоқда 1920 йили В. И. Ленин ва Н. К. Крупскаялар мамлакатда биринчи электр станциясининг ишга туширилиш маросимида қатнашганлар. Мазкур электр станциясининг қуввати бор-йўғи 9 киловатт эди... Кашино деҳқонлари В. И. Ленин ва Н. К. Крупская билан қишлоқдаги энг катта уйда учрашишган. Кейинчалик бу уй В. И. Ленин музейига айлантирилди. Немис фашистлари 1941 йили бутун Кашинога, биринчи навбатда эса ана шу тарихий уйга ўт қўйдилар. 1968 йилда уй-музей аввалги шаклида қайта қурилди. Ўша мўъжаз электр станцияси ҳам музей экспонатлари орасида турибди. Электр станциясининг ишга туширилиши маросимида иштирок этган кашинолик қария Иван Степанович Ошмарин биз га бирнечта қизиқарли фотосуратларни совға қилди.

Волоколамскнинг Улуғ Ватан уруши жангномаси саҳифалари айниқса диққатга сазовор.

Волоколамск—Москвага кириш дарвозаси. Немислар шаҳарни олгач, пойтахтга қараб интилишди. Улар «Волоколамскда нонушта қилиб, тушликни Москвада емоқчи» бўлишган эди. Бироқ улар Москванинг юзини ҳам кўришмади, тушлик ўрнига боплаб зарба едилар...

Биз 251-тепаликда ҳам бўлдик. Бу жойда 1941 йилнинг ноябрь тонгида жасур 28 панфиловчи душманнинг 50 танкига қўксини қалқон қилган. «Россия бепоён, чекиниш эса жой йўқ — орқада Москва» деган қанотли сўзлар худди мана шу ерда туғилди. 28 кишига қарши аввал 20 та танк, кейин яна 30 танк рўпара келди. Ленин, 28лар пўлат броняда ҳам кучлироқ эди — бировтасп орқага чекинмади...

Фашистлар Волоколамскда 53 кун бўлишди. Ниҳоят, Совет қўшинлари ҳужумга ўтиб, уларни тумтарақай қувишди...

Биз Панфилов дивизиясининг мард жангчилари дафн этилган жойда бўлдик. Улар шарафига ўрнатилган ҳайкал пойига гулчамбарлар қўйдик. Гулчамбар лентасига ушбу сўзлар ёзилган: «1941 йил ноябрида Москвани ҳимоя қилган туркистонлик жангчиларга Тошкент шаҳрининг Ленин райони, ҳамда Тошкент области Оққўрғон ва Янгийўл районларининг натопарларидан. Ноябрь, 1971 йил».

Сафаримиз сўнггида Ленин мавзолейини зиёрат қилдик...

А. ПОПОВА,
комсомол ветерани.

АРТИЛЛЕРИЯЧИ РУСТАМ

Рустам тенгқурлари ўртасида кўпни кўрган, ҳар томонлама чиниққанлиги билан ажралиб туради. Ҳарбий машқларда ҳам, синф машғулотларида ҳам ҳаммага намуна бўлади. У хизмат қилаётган батарея яқинда дала машқларида яхши намуна кўрсатди.

Батарея тоғга тактик машқларга йўл олди. Артиллерячилар бир неча соат давомида марш билан довонма-довон ошдилар. Рустамга бу синовлар писанд эмас. Жисмоний жиҳатдан чиниққанлиги туфайли қийинчилик сезилмади.

Батарея командири янги кўрсатмалар берарди. Тўп фронт бўйлаб, гоҳ ўнгга, гоҳ чапга олиб ўтиларди. Тоғ ёнбағирларида пайдо бўлаётган нишонни йўқ қилиш вазифаси топширилган эди. Шу орада бошқа янги кўрсатма берилди. Наводкачи сафдан чиқиб қолгач, расчет командири буйруқ берди:

— Оддий солдат Садриддинов, наводкачи вазифасини бажаринг.

— Эшитаман, — қисқа жавоб беради Рустам. Унинг бу жавобида командирнинг ҳар қандай топшириғини бажаришга, солдат қасами буюрганидек, иш тутишга тайёрлик оҳангини сезиш қийин эмасди.

Артиллерячи бутун диққат-эътиборини ҳаракат қилиб келаётган «душман» танкига қаратди. Рустам айланма ва кўтарма механизмларни ишонч билан ҳаракатга келтириб, ўрмалаб келаётган нишонни мўлжаллади. Қудратли техника унинг моҳир қўлларига бўйсунган эди. Лаҳза ўтмай, гаубица стволидан шиддатли олов ёниб кетди. Оғир снаряд ғалати бир чиқириқ билан стволдан отилди. Осмонга ҳарсанг тошлар сочилиб, ҳаммаёқни тупроқ ва чанг қоплаб кетди. Рустам нишонни аниқ урдими, йўқми билмасди, унинг эътибори қўшин тўп позициясига қараб келаётган иккинчи танкка қаратилган эди. Рустам прицел ўстановкасини алмаштириш, тўпни ўнгга буришга бор-йўғи бир неча секунд сарф қилди. Яна ўт очилди. Энди артиллерячи жангчи снарядининг нишондан сал нарида ортлаганини аниқ кўрди.

— Иккита кам, — наводкачи сержантнинг командасини эшитди. Лекин Рустам нишонгача бўлган масофани ўзи мустақил белгилади, прицел шкаласида керакли чизиқни ўзи топиб қўйди. Шунинг учун команда берилган вақтда у ўт очишга ҳамма нарсани тахт қилиб кўрган эди. Иккинчи снаряд фанер парчасини дабдала қилиб ташлади.

— Қойил, Рустам, — мамнун бўлиб гапирди тўп командири.

Шу куни оддий солдат Рустам Садриддинов бўлинма командиридан ҳам раҳматнома олди.

Рустам Садриддинов хизмат қилаётган олтинчи батарея бўлинмадаги энг олдинги ўринда бирини эгаллади.

С. МУСАЕВ.

ОҲАНГАРОНЛИК ЙИГИТ

Бўлинма ҳарбий-техника билан машқ майдонига чиқди. Жангчилар тезда ўз жойларини эгаллаб олишди. Офицер команда берди:

— Газ! Ҳимоя кийимлари кийилсин!

Солдат ва сержантлар бирпасда командани ижро этишди.

Навбатдаги команда эшитилди:

— Жанговар техника дезакцивацияси учун машина ишга киритилсин!

Жангчилар, шу жумладан оддий солдат Абдуҳалил Давроновнинг қўли қўлига тегмайди. У ҳар бир ишни тез ва аниқ бажаради. Моҳирлик билан алоқа боғлайди. Энди командаларни бўлинма бошлиғи эмас, балки расчетларнинг командирлари беришмоқда. Офицер эса уларнинг ҳаракатларини кузатади, секундомерга қарайди.

Жавоб келди:

— Олтинчи расчет жанговар ишга шай!

— Бошлансин!

... Жанговар иш давом эттирилмоқда. Абдуҳалил Давронов аъзо бўлган, бухоролик йигит ефрейтор Рустам Истамов расчети ҳаммадан олдинда. «Душман» зиҳридан заҳарланган техника зудлик билан дезакцивация қилинмоқда. Оддий солдат А. Давронов қўрсатилган инструкция бўйича бир меъёрда бронедепойтни ишлатиб, унинг қисмларини заҳардан тозалаяпти. Абдуҳалил буларни ҳеч камчиликсиз бажаради...

Оддий солдат Абдуҳалил Давронов учинчи класс мутаҳассиси, спорт разрядига эга. У ҳарбий-сиёсий тайёргарлик аълочилигига номзод ҳам. Уз ҳарбий касби — химик дегазаторликни севади. Шунинг учун ҳам муваффақият ҳамиша Абдуҳалилнинг ҳамроҳи. Унинг хизмат карточкасига назар ташласангиз олтита ташаккурнома ёзилганини кўрасиз...

Комсомол аъзоси А. Давронов бугун ҳам жанговар топшириқни ҳар галгидек аъло даражада бажарди. Ҳарбий машқдан сўнг бўлинма бошлиғи, ефрейтор Р. Истамов машғулотда алоҳида ўрнак кўрсатган солдатлардан ҳамшаҳримиз А. Давронов, саратовлик Ю. Качаков, москвалик Н. Таденовларни саф олдига чиқариб, яна ташаккурнома эълон қилди.

И. РАЖАБОВ,
оддий солдат, Москва области.

ОТА, БОЛА, НАБИРА КОМАНДИРЛАР

...1920 йилнинг охиррогида отлиқ чекистлар отряди кўнгилли милиция аъзолари билан биргаликда Қўқонга жўнашди.

Ўша ердаги қишлоқларнинг бирига Абдулла қўрбоши бошчилигидаги босмачилар тўдаси жойлашгани ҳақида маълумот олинган эди. Босмачилар кичик-кичик отрядларга бўлиниб қишлоқларга ҳужум қилишар, у ердаги Шўролар ҳукумати вакилларига суиқасд уюштириб, деҳқонларнинг дон ва кийимларини тортиб олишар, отларини ҳайдаб кетишарди.

Чекистлар отряди қишлоқ яқинидаги қамишзорга бориб ўрнашди. Қош қорайди. Сийрак булутлар ботаётган қуёш нуридан алвон рангга бурканди. Юборилган киши қайтиб келиб, босмачилар қозининг уйида эканлиги ҳақида хабар берди. Исматулла милиция бошлиғи Каримов билан маслаҳатлашиб, босмачиларни ярим кечада қўлга олишга қарор қилди. Жангчилар тунги жангга тайёрланишаётган бир пайтда И. Умаров йўл бошловчи билан қозининг уйи томон йўл олди. Пастак девор орқасида ўнлаб отлар кўриниб турарди. Эшиги очиқ хоналардан дутор таронаси ва маст кишиларнинг бақириқ-чақириқлари эшитилмоқда.

«Лаънатилар базм қуришяпти,— ўйлади Исматулла.—Қоронғи тушсин, бирга «базм» қиламиз...»

Тун. Осмонда юлдузлар тартибсиз сочилиб ётибди. Сукунатни булбул хонаси ва ялроқлар билан шивирлашиб ўтган ноғаҳоний шабада бузади. Исматулла баҳор оқшомини севарди. Қани энди у қадрдонлари, заводдаги ўртоқлари билан бирга ўтирса! Лекин, душманлар тинч меҳнат, фаровон турмушни кўришолмайди. Туркистонни инқилоб алангаси қамраб олганда Исматулланинг отаси — кекса деҳқон шундай деган эди:

— Диларамон замонга стдик, ўғлим. Тинч яшаш даври келди...

Лекин, бу қувонч узоққа чўзилмади. Граждаплар уруши бошланиб кетди. Исматулла станогини вақтинча ташлаб, қўлига қурол олиб, халқ бахти учун курашга отланди.

Тун қоронғусида жангчилар отлари қамишзорда қолдириб, қишлоқ томон йўл олишди.

Каримовнинг группаси бог томонидан ҳовлига кирди. Умаров жангчилари билан кўча орқали борди. Дарвоза орқа томондан қулфланган эди.

— Ким у?— ҳовлидан эркак кишининг овози эшитилди.

— Махсус бўлимданмиз, очинг!

Шовқин эшитилди, ойна синди, ўқ овози янгради. Дарвоза олдида турган чекистнинг қўлидан милтиғи тушиб кетди, ўзи юз тубан йиқилди. Отлар хуркиб, кишнаб юборишди. Отишма бошланди. Исматулла ва бир неча жангчи деворда сакраб тушиб, босмачилар билан юзма-юз учрашишди.

Эрталабгача колган босмачилар асирга олинди. Улар орасида қўрбоши билан қози ҳам бор эди. Бу операцияда кўрсатган жасорати, ботирлиги учун жасур чекистга ташаккур эълон қилинди.

Исматулла Юсупович ўз қаётида социалистик тузум душманлари билан кўп марта юзма-юз келди. Ҳамма вақт бу учрашувларда жасорати ва матонатини, революцияга содиқлигини намойиш этди.

Исматулла Юсупович ўғли Шавкатни ҳам шу характерда тарбиялади. Шавкат ёшлигидан отасига ўхшашни, отаси каби жасорат кўрсатишни орзу қиларди.

Улуғ Ватан уруши бошланганда Шавкат эндигина 17 ёшга қадам қўйган эди. У радиодан мудҳиш хабарни эшитган ҳамоно, кўнгилли бўлиб фронтга жўнаб кетди.

...Разведкачилар душманнинг орқа томонига ўтиб, мудофаа системаси ва ўт очиш нуқтасини аниқлаб қайтишлари керак эди. Ҳар вазифани бажариш вақтида уларни юзлаб хавф-хатар кутиб турарди. Икки марта «тил» овлашга бориб, қуруқ қайтишди. Душман худди ўз уйида ўтиргандек жойлашиб олган эди. Оқоплар қазиб, тиканли симлар билан ўраб олишган. Бу ҳам етмагандай симларга темир-терсакдан иборат шақилдоқлар осиб қўйишган. Сал эҳтиётсизлик қилиб, тегиб кетсанг, жаранглаб, сигнал беради. Немислар ракеталарни аяшмайди, кечалари худди кундузгидек ёп-ёруғ.

Эрталабга яқин минг машаққат билан разведкачилар фронт линиясини кесиб ўтишга муяссар бўлдилар. Ҳар бир бута орқасида фашистлар пистирмаси, ҳар бир сўқмоқда мина бўлиши мумкин. Олдинда қўлини автомат тепкисига қўйганча гвардия сержанти Умаров борарди. Узоқда немис машиналарининг овози эшитилди. Ўрмондан чиқишгач, бирдан танк кўзга ташланди.

— Жанга!— эшитилар-эшитилмас буйруқ берди Умаров.

Разведкачиларнинг ҳаяжонлари чиппакка чиқди. Танкда ҳеч ким йўқ эди. Сал нарирокда титлерчиларнинг жасадлари чўзилиб ётарди. Авиациямиз ҳужумидан яксон бўлган эди улар.

Станция жуда яқин. Лекин, боришнинг иложи йўқ. Ҳаммаёқ теп-текис. Қоронғи тушишини кутиш мумкин эмас: кечқурунгача вазифа бажарилиши зарур! Шавкат Умаров шундай қарорга келди: немис танкидан фойдаланиш керак. У машинаки кўриб чиқди. Машина ҳали яроқли эди.

Станция томон чиқадиган йўлдан автомашиналар колоннаси ўтиб борарди. Кузовларда каска ва каламушранг мундир кийган фрицлар ўтиришибди.

Немислар колоннаси билан станцияга етиб боришди...

Шавкат Исматуллаевнинг ўғли — Валерий ҳам бобоси, отаси босган йўлдан борди. Болалик чоғларидан бери ўйлаб юрган орзусига эришди. Офицер-танкчи бўлиб етишди. Отаси билан бир қатерда юриш, отасидай офицер бўлиш — унинг олий мақсади. Валерий қачон бирор ёрдамга мухтож бўлса, отаси совға қилган фронт кундалигини варақлайди. У —Тошкентдаги танк билим юртининг курсанти.

Сағбон кўчасидан ҳар куни нуроний қария субҳидамда ишга боради. Қўшнилар уни кўрганда қуюқ салом беришади.

— Ассалому алайкум, Исматулла ота!

Сўнг орқасидан меҳр билан қараб қолишади. «Саксон ёшга киряпти, ҳалиям нишонга уриролмайди. Ажойиб инсон».

Пиллар Исматулла отада ҳам ўз муҳрини қолдирган. Эски яраси азоб бериб, кўпинча кечаларни бедор ўтади. Лекин ўзининг бахтли турмуш учун бўлган курашга бағишлаган умрини, ўғли на невараси унинг ишини давом эттираётганини ўйлаганда кўнгли қувонча тўлиб, бутун оғриқларини унутиб юборади...

В. БОЛИЧЕВ.

„СОВЕТСКИЙ ВОИН"—МЕҲМОНИМИЗ

Утган куни Округ офицерлар уйида «Советский воин» журнали ходимлари билан журналхонлар учрашуви бўлиб ўтди. Журнал фаолияти ҳақида унинг ички ва халқаро ҳаёт бўйича редактори, полковник А. Ф. Мальков ҳикоя қилиб берди. Сўнг журналнинг штатсиз мухбирлари ва журналхонлар сўзга чиқишди. Ёзувчилар Адҳам Раҳмат, Борис Пармузин, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов ҳамда Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг масъул секретари Ҳамид Тожибоевлар журнал ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини, унинг келгусида қандай бўлиши ҳақидаги истакларини айтишди. В. И. Ленин номидаги Тошкент олий умумқўшин командирлар билим юртининг курсанти Ю. Вакатов, Н-қисм ефрейтори Н. Большаковлар ҳам журнал тўғрисидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар.



Суратда: тактик машғулотлар майдони. (чапдан ҳужум жангида. Илғор рота командири коммунист Эргаш Одилов. А. Асанов фотоси.

АЪЛОЧИ ЖАНГЧИ

Рашид Галеев ёш бўлса ҳам бўлинмадаги йигитларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. У ўрта мактабни тугаллаб, ҳарбий хизматга чақирилган. Лекин кўп нарсага ақли етади. Жисмоний тайёргарлиги ҳам катталарникидан қолишмайди. Оғир снарядларни кўтариш осонмас, аммо жангчи ҳарбий машқлар вақтида аниқ, енгилва ишончли ҳаракат қилади. У ҳарбий спорт комплекси нормаларини муваффақиятли топширган, мураккаб тўсиқлардан ўтиш бўйича машқларда аъло баҳо олган. Разрядли спортчи.

Артиллерячи учун бошқа мутаҳассисликларни эгаллаш ҳам муҳим. Зарур вақтда ўртоғининг ўрнини босиши, худди фронтлардагидек қисқартирилган состав билан ўқув-жанговар топшириқларни уддасидан чиқиши лозим. Рашид бу талабларнинг ҳаммасига жавоб беради. Еш солдат классли радист, автомобиль ҳайдашни билади. Парашютдан яхши сакрайди. Кўксидаги қатор нишонлар ҳам унинг бу соҳадаги ютуқларидан , далолат бериб турибди.

Комсомол аъзоси Рашид Галеев янги йилни ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

А. ГОЛИШЕВ

САҲРОДА БАҲОР ҚУШИГИ

ОЧЕРК

СОАТ Умаровнинг тиззасига пулемёт қўндоғи қаттиқ урилиб, беихтиёр қўлидан учиб кетди. Шу топда у мувозанатни йўқотиб қўйиб, узун, унча хушбичим бўлмаган гавдаси тўппа-тўғри «душман» рўпарасидаги тепаликка чўзилиб тушадигандай эди. Лекин Соат бор кучини йиғиб, бирдан орқага ташланди ва шу лаҳзанинг ўзида саксовул шохларини қўллари билан ёриб, ноқулай жойдан икки метрча орқага жойлашди. Буни у шундай чаққон,шошиб, гайри табиий равишда бажардики, ҳатто унинг ўзи ҳам шундай бўлишини ўйлаб улгурмаганди...

...Ҳар кунги одатий машғулотлар, аскарлик ташвишлари билан бўлиб, Соат баҳор келганини ҳам билмай қолганди. Шундоққина қаршисида ҳали гулхан яроқчалари очилмаган, байрам кийимини кийишга улгурмаган бўзлола турарди.

— Гул,— деди пулемётчининг кўзлари ҳайратдан ёниб ва шу заҳоти лолага қўлини чўзмоқчи бўлди. Аммо чўзилган қўллари таққа тўхтади. Бу қанақаси, нахот Соат баҳор келганини сезмай қолса?

Аммо, нега сезмай қолди? Бироқ у чиндан шаҳар ташқарисидаги даштда баҳор келганини ўз кўзи билан кўриб турибди. Қаранг ахир, баҳор нималар келтирмаган! Соатнинг ҳамиша ҳайратланиб боқадиган катта-катта кўзларига табассум югурди. У яна бир бор баҳор нафасини сезиш учун атрофга қувонч билан термулди. Мана қуёш ҳам ўз ётоғи томон оғмоқда. У шундай аста-секин оғардики, гўё бугланиб турган Соатнинг кўз олдида бошқа чўл жонланди, қайсиким Қарши водийси бўйлаб ястанган, бўйсунмас Бойсун тоғ тизмалари оёғига бош қўйган, қудратли Амударёнинг шамширидан иккига бўлиниб ётган чўл жонланди. Соат ана шу саҳрода ўсди. Шу ерда чўл баҳорининг илк қуёвончидан баҳраманд бўлди. Эрта баҳорда саҳро чўпон болаларнинг кўз олдида ўзининг кўримсиз, кулранг паранжисини ечиб ташлаб, шудрингларга чўмилиб, байрам либосини киярди. Болалар унинг кучини сезишмасди. Бироқ чўпон болаларни ўтовидан узоқ-узоқларга етаклаб кетар эди. Улар хилма-хил чўл гуллари, майсалари ҳиди анқиган баҳор ҳавосидан кўкракларини тўлдириб нафас олишарди, яйрарди.

Саҳро бағрида ҳаёт гувуллайди. Ким айтади, саҳрони қашшоқ деб. Фақат синчиклаб қаранда, қишлоқ чироқларига маҳлиё бўлар, қаердадир, яна олис шарқда ёғдулар денгизи кўринарди.— Бу Қарши эди. У ерда куну тун машиналар овози ўчмасди. Соат ва у тенг қурлари кўриқ очиб, канал қазиб, сувга йўл очди. Сув билан саҳрога ўзгача ҳаёт кириб келди.

Соат бугдойнинг қандай ўрилишини билади: қаршисида узун девор пайдо бўлади, шамол бошоқларни эркалайди, бугдойзор саҳро нон ҳақида, бахтга тўлуғ ер ҳақида ўз қўшиғини куйлайди. Шундай дақиқаларда Соат узоқ хаёлларга берилади. У ана шу далаларга канал ўзанини бошлаб келишни истарди. Уни худди шу ўй ўртоқлари билан бирга механизация мактабига етаклади.

Улар саҳрога тракторлар, бульдозерларни бошлаб келди. Зиллар, мазлар, ўзининг қолдироқ овозлари билан саҳро бағрини қоматга келтирди. Узун чуқурлар бўйлаб улкан қувурлар ётқизилди. Асрлаб тегилмаган ерга терриконлар кўтарилди. Гоҳ унда, гоҳ бунда ёғду деягиси саҳро тунини чилдарчин қиларди. Бу янги қурилган қишлоқлар. Кишилар ер очиб гулзор, боғзор, пахтазор, бугдойзорларга айлантириш учун кўчиб келишган. Аввалари ёлғиз чўпонларгагина маълум бўлган сўқмоқлар, энди плуг-сўқаларни, культиваторларни, скхмолаларни келтирган кишиларни илк бор бошлаб келган йўл бўлди. Ердан фақат олишни эмас, уни ғўзаа, бой қилишни ўйлаган уруғ сочувчилар ҳам келишди.

Уруғ сочувчи билан бирга саҳрога бошқа, янги шараф келди. Энди Ватанга фақат қанча от, қанча қўй берилади дейишмайди, қанча тонна пахта, бугдой берилади деб ҳам сўрашади.

(Давоми 6-бетда).

САҲРОДА БАҲОР ҚЎШИҒИ

(Бошы 5-бетда).

Соат Умаров ёшлигида бошқа чўлни кўрганди, энди уни тамоман бошқача тушунади. Қайсиким хаёл билан эмас, инсон қўлига сажда қилувчи қудратли машиналар, механизаторлар ақли билан очилган чўлни тушунади.

Оҳ, она саҳросининг янги қўшиғи! Гўёки Соат уни ҳозир ҳам эшитаётгандай эди. Йўқ-йўқ. Бу энди сержант Локтев буйруғи. Буйруқ пулемётчини ердан ўзиб олдинга ташлантирди. Умаров йўлда учраган эски окоплардан енгилгина сакраб, бўлинма олдига ўтиб олди. Энди у ўзини қушдай енгил ҳис қиларди. Ахир, она саҳроси бўйлаб югурмоқда. Ҳов, ана ўша белгиланган жой—қудуқ оғзи—бу энди фақат белгиланган жойгина эмас, унинг ота юрти, унинг уйи.

Навбатдаги учқундай шиддатли, қисқа буйруқ пулемётчини югуришдан тўхтатди. Бўлинма, взвод, бутун рота узоқ муддатга тўхтатилганди. Олдинда очиқ пастқамлик ястаниб ётарди, уни қоронғи тушгунча босиб ўтиш амримаҳол. Қудуқ ёнида «душман», улар очган ўт пиёдаларни ер бағирлатарди, ердан туришга қўймасди. Бу сўнгги, лекин муҳим «жанг»ни тугаллаш учун бир ҳамла қолган ,холос. Ефрейтер Соат Умаров ва унинг ўртоқлари бўлинма бўйлаб ҳаяжон билан белда ер қазир эди.

Соатни қурпай бошлаган хаёллар уядан ҳеч бир ажралгиси келмасди. У ота-бобосидан қолган, ўзи туғилган ер ҳақида ўйларди. Совхоз бульдозерида ишлаган пайтидаги ерга бўлган муносабати ҳақида, солдатлик, ҳозирги метин ери бел билан қазнётган пайтдаги муносабати ҳақида ўйларди.

Унинг онласи ерни севарди, ҳидини ҳам аниқлай оларди. Тез-тез отаси ё онасининг алам билан:

— Ер ёнипти.

Гоҳ қувоғ билан:

— Майсалар уняпти,— деган сўзларини эшитиб қоларди.

Соат онасининг қудуқ бўйидан қайтаётгакини кўз олдига келтирди. Унинг қўлларида нафис сариғ гул, елкасида отаси ясаб берган обкаш. Гулни онаси қудуқ бўйидан узган, чунки у ердан сув аримайди. Онаси айтарди:

—У ерда ҳамиша ҳаёт қулф уради.

Йўлда нетаётган вақтни тежаш учунми, одатда у доимо қудуққа шошиб бориб-келарди. Тўғри, онасининг бирор марта ҳам шошилмай юрганини эслолмайди. У бир лаҳзани ҳам ояб, ҳамма нарсани чаққон бажарарди. Агар бировнинг бирор ишга тутунганини кўрса, албатта:

— Бекордан худо безор — деб қўярди.

Онласида ҳеч ким бир гапни икки қилмас, қилинадиган ишни вақтида бажаришга одатланишганди. Соат ҳозир ҳам онасининг ўгитини эслагандай, атакага чаққонлик билан жиддий тайёргарлик кўрди. У яна бир бор қуролларини кўздан кечирди. Ефрейтор пулемёт оёқларини ерга қадаб, масофани бармоғи билан ҳисоблаб, нишонни кўрсатилган белгига тўғрилаб қўйди.

Бўлинма командири вақтивақти билан Соат томонга қараб қўяр, ҳар қараганда унинг юзига хурсандлик аломати кўчар эди. Пулемётчи эса ўз иши билан овора. Ишини тугатиб ёнида ётган қазиётган автоматчи Носир Қодиров, Сергей Алимкинлар ишига разм солди. Қуролларни жойлаштириш қулай бўлсин учун уларга окоп деворидан энвапоя ўйишни буюрди. Командирнинг айтишича, қудуқ бор тепаликда «душман» мустаҳкам ўрнашиб олган. Тепалик ортида танклар.

Взводга сиёсий раҳбар келди. Билганлар уни фронтовик дейишади.У огоҳлантирди:

— «Жанг»нинг кўпгина тақдирини сизлар ҳал қиласизлар.

Сиёсий раҳбар ёнида ўлтирганларни ўраб олинган қум уюми қиррасидан юқори кўтарилишга руҳсат бермай, бўғиқ, паст овозда гапирарди.

Кулранглашган саҳрода ҳозир бирон варсани аниқлаш қийин эди. Соат Умаров ҳам, Сергей Алимкин ҳам, Носир Қодиров ҳам олдинга зўр бериб тикилар, гўё қудуқ бўйидан солдатлар эмас, душманлар ҳалқаси кўтариладигандай эди. Сиёсий раҳбар ҳушёр бўлишни уқтириб: «Ораларингизда коммунистлар бор, уларга тенглашинг» деганда, Соат ҳаяжондан тирсагида бир оз кўтарилиб кетди. Унинг қўли беихтиёр партия аъзолигига кандидатлик билети турган кўкрак чўнтагига югурди.

У ишончи оқлайман, коммунист номига доғ туширмайман деб жавоб бериши мумкин эди. Ахир у жангдан кейин вайрон бўлган ер тўлада партия билетини қўлга олган одамининг, қуролни қандай ушлашни ўргатган отанинг ўғли, ўзи коммунист.

Лекин буларни айтишнинг ҳозир пайти эмас эди. Ҳандақлар бўйлаб буйруқ жаранглади.

— Тайёрланинг!

Шу пайт окоп устида нимадир портлади. Ҳавода гулдурак кезди. Соат билади: «артиллерия тайёргарлиги» бошланди, бу унча узоқ чўзилмайди. Ҳозир танклар юриш бошлайди, ортидан пиёдалар атакага ташланади. Улар — Соат Умаров, Сергей Алимкин, Носир Қодиров... Ҳозирги замон жангининг ғалабасини улар мустаҳкамлайди, пиёдалар ютуғи жангда қон томири вазифасини ўтайди.

Олдинда учқунлар йилт этиб қўздан ғойиб бўлади. Бу «душман» очган ўқ. Шу лаҳзанинг ўзида ҳандақлар ёнига ўқ ёмғири ёғилди. Соат ўт очди. Ўқлар ортидан ўқлар қоронғулиққа шўнғиди.

Бостириб борувчилар кўтарилиб олдинга ташланди, бироқ атакани тугаллашга ҳали узоқ. Қарши атака қилувчилар ҳам танкларни ушлаб турибди. Гўёки қалин олов деворн пайдо бўлгандай эди...

Олов ёмғири сусайди. «Душман»нинг таянч нуқтаси бирнкетин тинчий бошлади. Фақат қудуқнинг чап томонидаги тепалик усти ортида ҳали замбараклар гумбирламоқда, пулемётлар «сайрамоқда», автоматлар тун пардасини тепчиб тиқмоқда.

Соат Умаров сал ўнгга эркин қадам ташлаб, тўсин ортига бекинди. Ортидан Сергей Алимкин етиб келди. Улар мудофаачилар томонга кириб олди. У томонга замбаракли танклар стволи бурилди.

Бу ерда ҳам «жанг»нинг шаштн пасая бошлади. Соат тинган пулемётлар овозини қисқа кетма-кет ўқ узиб якунлади. Сўнгги қаторасига юборилган ўқни у қаршисида нишон эмас, ҳақиқий душман тургандай ёниб, алам билан отди. У ўзи туғилган уй олдидаги тепалик учун, одамлар сув ичган қудуқ, яшаган ўтов ўрнилари ва отарлар ёйилиб юрган яйловлар учун жанг олиб борди.

Соатга бу тўйғу таниш-дай туюлди. Ҳа, у мана шу мақсадлар учун қўриқ очди, қудуқдан сув чиқарди, онласига, қишлоғига, совхозига нимани керак бўлса, шуни қилди. Энди коммунист Соат Умаров бу туйғунинг қимматини аниқ билди, бу туйғу — Ватан олдидаги хизматларига жавобгарлигини тушуниш туйғуси. Олдингилари деҳқон меҳнати бўлса, бугунгиси солдатлик хизмати, қайсиким бепоён саҳрони, шахта ва заводларни, мана бу янги шаҳарча ва бутун улуғ совет тупроғини қўриқлаяпти.

Тепаликда сўнгги «Ура!» нидолари янгради. Дарров саҳрода гумбирлашлар тинди. Фақат ҳавода ҳали ҳам қуйиндн ҳидлари кезарди. Шарқ уфқи бўйлаб эса қирмизи тасма пайдо бўлди. Тонг отмоқда эди. Соат Умаров ён-теварагига тўйиб термулди, унинг шамол ва қуёшдан қорайган юзига бутун отаишлиги, завққа тўлган руҳи кўчганди.

Оламни янги меҳнат қўшиғини қўйлаб тонг эгалладн.

Эргаш МУҲАМЕДОВ
таржимаси.

Тошкент булка-кондитер комбинати ҳар куни шаҳар меҳнаткашларига тотли булка ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Суратда: корхонанинг торт цехи ишчилари В. Корчагина билан Ш. Нуруллаева тортларга безак беришяпти.

Реклама ва Эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28, 29 ДЕКАБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССР халқ артисти,

ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

МУҲАББАТ ШАМАЕВА

Солистлар: Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Умаржон ОТАЕВ, Илёс МАЛАЕВ, Одилжон ИМИНОВ, Эркин ДАВЛАТОВ, Азим АЗИЗОВ, Карима УЗОҚОВА.

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА!

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ермак Сараева асари

„НОМЗОДЛАР“

(2 пардали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Э. МАСАФАЕВ.
Рассом — Л. ОСНОВЕНКО.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ОРЖОНИКИДЗЕ. Коммунист Рустам Мирзаҳўжаев янгирма беш йилдан бери «Қибрай» совхозида меҳнат қилади. У бошқаларга ўрнак бўлиб ишлагани учун бригада бошлиги вазифасига кўтарилди. Эндиликда бригада аъзолари ҳар йили улкан зафар қучишади. Соҳибкорларининг бу йилги иши ҳам баракали бўлди. 36 гектар бўғдан 200 тоннага яқин узум топширилиб, эммага юклатилган вазифа ортиги билан адо этилди. Ҳозир бригада соҳибкорлари келгуси йил ҳосилига пухта замин яратмоқдалар.

К. РАШИДОВ.
М. МИРСУЛТОНОВ.

●

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. «Паркент» совхозининг боғларида ҳосил яхши бўлди. 125 гектар ердан ўтган йилга нисбатан бир ярим баравар кўп ҳосил олинди. Мўл ҳосил етиштиришда Ж. Абдиев, У. Миразизов каби механизаторлар ўрнак бўлиб ишладилар. Совхоз соҳибкорлари токларни муддатидан олдин қирқиб тагларини юмшатиб қўйдилар.

Н. ЖЎЛОНОВ.

●

ТУЗИТЕПА. Тошкент механизациялашган ўрмон хўжалигининг Ўрта Чирчиқ районидаги бўлимининг ишчилари мевали ва мевасиз дарахтларни ўтказишда фаол қатнашмоқдалар. Хўжаликда мевали дарахтларни шакллантириш ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда.

Т. ЮЛДОШЕВ.

СПОРТ

ЎЙИНЛАР БАРВАҚТ БОШЛАНАДИ

Келгуси йил совет футболи учун катта синов йили бўлади. Чарм тўп усталаримиз жаҳон олимпиадаси ўйинларида, Европа биринчилигида ва бошқа жуда кўп халқаро учрашувларда қатнашадилар. Шунинг учун ҳам янги йилда футбол мусобақалари ҳар қачонгидан барвақт бошланади.

СССР футбол федерацияси президиуми 1972 йилда СССР кубогида қатнашадиган командалар учун чек ташлади. Дастлабки ўйинлар 21—25 февралда мамлакатимизнинг жанубий стадионларида ўтказилади. Ана шу кунларда «Олга» (Фрунзе) «Строитель» (Ашхобод), «Шинник» (Ярославль) — «Звезда» (Пермь), «Кривбасс» (Кривой Рог) — «Автомобилист» (Нальчик), «Молдова» (Кишинев) — «Памир» (Душанбе) ўзаро учрашадилар. Бу жуфтликларнинг ғолиби 1/16 финалда ўз навбатида Ленинграднинг «Зенит», Олмаотанинг «Қайрат», Ростовнинг СКА ва Львовнинг «Карпати» коллективлари билан куч синашади.

Бундан ташқари, 29 февраль — 4 март кунлари 1/16 финал ўйинларида қуйидаги жуфтликларнинг баҳси бўлади: «Спартак» (Москва) — «Уралмаш» (Свердловск), «Нефтчи» (Боку) — «Металлург» (Запорожье), «Крилья Советов» (Куйбишев) — «Локомотив» (Москва), «Заря» (Ворошиловград) — «Черноморец» (Одесса), «Металлист» (Харьков) — «Динамо» (Тбилиси), «Динамо» (Минск) — «Шахтёр» (Қараганда), «Араратъ» (Ереван) — «Динамо» (Ленинград), «Торпедо» (Москва) — «Торпедо (Кутаиси), «Днепр» (Днепропетровск) — «Пахтакор» (Тошкент), «Динамо» (Киев) — «Текстильщик» (Иваново), ЦСКА — «Спартак» (Оржоникидзе), «Динамо» (Москва) — «Шахтёр» (Довецк).

Кубок мусобақаларининг ҳамма босқичида (финалдан ташқари) командалар бир-бирлари билан икки мартадан — ўз ва рақиб майдонида учрашадилар. Кубокнинг ҳал қилувчи ўйини 12 августда Москвада бўлади.

ЮТУҚ ВА МАҒЛУБИЯТ

Тошкентнинг «Спартак» хоккейчилари мамлакат чемпионатининг навбатдаги икки ўйинини Омск шаҳрида ўтказдилар. Маҳаллий «Каучук»дан икки очко олдилар. Биринчи учрашув 3:4 ҳисобида, иккинчи ўйин эса тошкентликлар фойдасига 5:1 ҳисобида тугади. Кеча ҳамшаҳарларимиз Тюмень шаҳрида муз устига чиқдилар.



Ўзбек яхтсменлари спорт мавсумини туғаллашди. Ўтган спорт мавсумн улар учун жуда маҳсулдор бўлди. Кўплаб спортчилар биринчи разрад олишди, тўрт спортчи эса спорт мастери унвонига эга бўлди.

Янги спорт мавсумида ёш яхтсменлар Тошкент денгизнда янги елканларни кўтаришади. Суратда: спорт мастери С. Кузнецов «Летучий голландец» яхтасини ремонт қиляпти.

Ю. Черишов фотоси. (ЎзТАГ).

ЭНГ, ЭНГ...

Дунёда энг баланд тоғ — Ҳимолай, унинг «Жемолунгма» чўққиси денгиз юзасидан 8848 м. баланда.

Қуруқликдаги энг паст жой «Ўлик денгиз» юзаси бўлиб, у денгиз сатҳидан 394 метр пастда.

СССРдаги энг баланд тоғ — Помир, ундаги «Коммунизм» чўққиси денгиз юзасидан 7495 м. баландда жойлашган.

Дунё бўйича океаннинг энг чуқур жойи Тинч океаннинг Мариан ботиғи, унинг чуқурлиги — 11034 м.

Энг катта Материк — Евросиё майдони — 53.500.000 квадрат километр.

Дунёда энг катта орол Гренландия, унинг майдони — 2.176.000 квадрат километр.

Дунёда энг узун тоғ Кордильера тоғлари бўлиб, Шимолий Америкадаги қисмининг узунлиги — 6 минг км., Жанубий Америкадаги қисми — 9 минг км.

Дунёдаги энг катта кўл — Каспий кўли, унинг майдони — 393.200 квадрат — километр.

Энги катта океан — Тинч океани, майдони — 179.679.000 квадрат километр.

Энг узун дарё Нил дарёси бўлиб, узунлиги — 6671 км.

Энг кўп ёғин ёғадиган жой Ҳиндистоннинг Черрапунжи деган жойи бўлиб, бир йиллик ёғин миқдори 12.000 мм. га тенг (Тошкентда 35 йилда ёғадиган ёғин миқдори билан баравар).

Энг иссиқ жой Африканинг Тароблис шаҳри яқинидаги Азизия қишлоғи бўлиб, соядаги ҳаво ҳарорати 58° иссиқ бўлган.

Энг совуқ жой Антарктида бўлиб, «Восток» станциясида — 88,3° совуқ бўлган.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 30 декабрда чиқади).

ГРИПП ВА ВИРУС

ШИФОКОР МИНБАРИ

Дарвоқе, гриппни вируссиз тасаввур қилиш қийин. Кўзга кўринмайдиган вируслар гоятда ўзгарувчан бўлиб, турли шароитга тезда мослашади. Баъзи вируслар ҳатто ташқи муҳитда сақлана олади, организм хўжайираларга кириб, касаллик уйготади.

Грипп вируслари хўжайираларда жустақам ўрнашиб олиш қобилиятига эга. Бунда у хўжайранинг ҳаётий ишини бузади, сўнг кўпаяборди ва ён-веридаги соғ хужайраларга ўтиб, соғлиққа хавф солади.

Энг содда вируслар оқсил ва нуклеин кислотадан иборатдир. Нуклеин кислотаси жуда хавфлидир. Шу боисдан медик олимлар касалликнинг асл сабабчиси бўлган нуклеин кислотасини тадқиқ этишга жиддий аҳамият бермоқдалар.

Грипп касаллигини чақирувчи вирусларнинг бир неча хил турлари мавжуд. Улар А. A^1, A^2, ва В ҳарфлари билан белгиланади. Улар организмда кучли заҳарли модда-токсин ажратади.

Бемор ўз вақтида врачга мурожаат қилмаса ёки даволаниш қоидаларини бузса, касалликнинг турли асоратлари қолади. Булар, айниқса марказий ва периферик нерв системасига кўпроқ таъсир қилади.

Касаллик кўпинча кучсизланган касалманд, қари кишиларда ва болаларда оғир ўтади. Грипп касаллиги нерв системасига таъсир этгач уйқунинг бузилиши, кучли терлаш, бош оғриғи, кўнгил айниш, қусиш, қувватсизлик, тананинг ва бўғинларнинг оғриши, кўз олмасининг яллиғланиши, кучли нурларга нисбатан ҳаддан ташқари сезувчанлик каби аломатлар содир бўлади.

Юқорида айтилган белгилар асосан касалликнинг энг авж олган даврида рўй беради. Бунда йўтал кучаяди, бемор аксиради, унинг томоғи оғриб, ҳарорати 38—41 даражага кўтарилади.

Бундай вақтда нерв системасининг зararланиш белгилари жуда оғир ҳолатда кузатилади. Беморнинг боши ёмон оғрийди, қусади, алахлайди. Умумий қуяшча касалнинг белгилари рўй беради ва кўпинча бу беморни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Марказий нерв системасининг зararланиши натижасида бемор танасининг айрим қисмларида сезги йўқолади, оёқ қўл мускулларида фалажланиш бўлиши мумкин.

Беморларда нерв системасининг зararланишига йўл қўймаслик учун асосан қўйидагиларга амал қилиш даркор. Касалликнинг белгилари сезилиши билан бемор тезликда врачга мурожаат этиши лозим. Врачнинг буюртмаси бўйича даволаш усуллари ўз вақтида ва қондага риоя қилган ҳолда олиб борилиши керак. Нерв системасининг зararланишига хос бўлган белгиларнинг содир бўлиши биланоқ беморлар нервопатолог ёрдамига мурожаат қилишлари ва зарур бўлган ҳолда нерв касалликларини даволайдиган шифохона бўлимларида даволанишлари зарур.

Касални даволашга қараганда унинг олдини олиш осон, Шундай экан, гриппдан сақланиш чораларини кўриш ҳаммаси нинг бурчи эканлигини унутмайлик.

Ф. АБДУҲАКИМОВ,
медицина фанлари доктори, профессор.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Йўлбарслар», «Урмондаги саргузашт» (мультфильмлар), 18.20 — «Звезда Востока» журнали саҳифаларида, 19.10 — «Ахборот» информацион программаси, 19.25 — «Рамслар гуллаётгаси». Муҳтабар ЙЎЛДОШЕВА (ўзбек тилида).

20,00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ахборот» информацион программаси, 20.50 — Адабий кўрсатув, 21.20 — Қишлоқ хўжалик билимлари халқ телевизион университети.

21.55 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17,30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

21.55 — «Узбекистон» (тележурнал), 22.05 — «Эҳтиёт бўлинг буви (бадиий фильм, ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 19.00 — Уйитувчи экрани, 19.40 — Реклама, 20,00 — А. Жуховитский. «Етуклик ёшм» (М. Горький номидаги Давлат рус драма театри спектакли. Танаффус вақтида реклама), 22.05 — «Рақсга таклиф қиламиз».

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/XII да Ойжамол, 29/XII да Боғчасарой фонтани (кундуз соат 5 да), 30/XII да Доктор Айболит, (кундузи, Чайсаранинг иши (кечқурун), 31/XII да Этик ийган мушук (кундузи), Севилия сартароши (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/XII да Табассум ўғрилари, 29/XII да Парвоз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/XII да Паранжи сирлари (кеч соат 6 да), 29/XII да Ҳалима (кундуз соат 4 да), 30/XII да Севишганлар ҳиёбони (кеч соат 7 яримда).

КИНО

Том остидаги жанг — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ, 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун),

Россия қалби — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), ҲАМЗА номли (кундуз соат 11, 1 ва 3 да).

Ватерлоо (2 серия) — «ЧАЙКА», (эрталаб соат 10, кеч 8 яримда) «САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида)— «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун),

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Мактаб ўқувчиларининг қишки каникул кунларида

31 декабрдан
10 январгача

КАТТА ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

„ЦИРКДА АРЧА“

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва 5 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни кундуз соат 11 дан кеч 6 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КУРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тошкент область партия комитети, аппарат партия ва касаба союз ташкилоти область партия комитетининг бўлим мудири А. Носировга отаси

Носир УСМОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси коллективи редакция ходими И. Мансуровга онаси

Мубарак МАҚСУДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 19222. ИНДЕКС 64697. А—1867.